Kuch — adolatda

Adolat

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-siyosiy va huquqiy gazetasi

1995 yil 22 fevraldan chiqa boshlagan ✻ 2002 yil 2 avgust ✻ juma ✻ № 30 (369) ✻ sotuvda erkin narxda

• Япония ҳақида гап кетганда, нафақат Осиёда, балки жаҳондаги иқтисодий, молиявий, илмий-техникавий ва сиёсий жиҳатдан катта салоҳиятга эга, энг илғор тараққиётни бошдан кечираётган мамлакатни тасаввур қиламиз. Бундай давлатлар билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш бизнинг миллий манфаатларимизга жуда мос келади.

Ислом КАРИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЯПОНИЯ – ЎЗАРО СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япония ҳукуматининг таклифига биноан 28-31 июль кунлари расмий ташриф билан Кунчиқар мамлакатда бўлди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 июль куни расмий ташриф билан Японияга жўнаб кетди

Давлатимиз раҳбарининг Японияга бу галги сафари икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий алоқалар тобора кенгайиб, ўзаро ишонч мустаҳкамланиб бораётган бир даврда амалга ошмоқда. Президентимизнинг сафар олдидан Тошкент аэропортида журналистларга берган интервьюси ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги юксалиб бораётган ушбу алоқаларга бағишланди.

– Япония ҳақида гап кетганда, нафақат Осиёда, балки жаҳондаги иқтисодий, молиявий, илмий-техникавий ва сиёсий жиҳатдан катта салоҳиятга эга, энг илғор тараққиётни бошдан кечираётган мамлакатни тасаввур қиламиз, – деди жумладан, давлатимиз раҳбари. – Бундай давлатлар билан ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш бизнинг миллий манфаатларимизга жуда мос келади.

Ўз навбатида, Япония ҳам, Ўзбекистон билан ҳар томонлама алоқаларни мустаҳкамлашга интилаётган АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия каби жаҳоннинг энг илғор мамлакатларидан биридир.

Бу галги ташрифдан кўзланган мақсадимиз мавжуд алоқаларимизнинг ҳуқуқий базасини янада мустаҳкамлашдир. Сафар чоғида икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган ўндан ортиқ ҳужжат имзоланиши режалаштирилган. Шулардан энг муҳими, албатта, Ўзбекистон ва Япония ўртасида стратегик шериклик алоқаларига доир қўшма баёнотдир. Эътибор берсак, биз жорий йилнинг март ойида АҚШга ташриф буюриб, ушбу давлат билан ҳам стратегик шериклик ҳақида ҳужжат имзолаган эдик. Бу шартнома бугунги кунда ўзининг кенг имкониятларини намоён этаётир. Дунёдаги энг салоҳиятли давлатларнинг яна бири – Япония билан шундай стратегик шериклик алоқаларини йўлга қўйиш давлатимизнинг юритаётган ташқи сиёсатидаги энг катта ютуқлардан бўлади. Бу эса ўз навбатида мамлакатимизнинг обрўсини янада юксакка кўтаришига шубҳа йўқ.

Япония Бош вазири билан имзоланиши кўзда тутилаётган иккинчи муҳим ҳужжат бу иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш ва мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларга кўмак беришдир. Бу ҳам жуда катта масала. Чунки, бу борада Япония ҳозир ҳам Ўзбекистонга жуда катта ёрдам бериб келмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган йирик лойиҳаларда Японияннинг иштироки салмоқли бўлаётир.

Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик ҳақида гап кетганда, нафақат, давлатлар, ҳукуматлар ёки иқтисодий тузилмаларо, балки халқларимиз ўртасида алоқалар ҳам тобора кенгайиб бораётганини таъкидламоқ жоиз. Масалан, яқинда мамлакатимизга ташриф буюрган япониялик бир гуруҳ сайёҳлар юртимизда осойиш топган юртдошларининг қабрини зиёрат қилиши уларнинг ҳам табиати ўзбекларникига жуда яқин эканини кўрсатди. Бу японияликларнинг Ўзбекистон фуқаролари билан алоқаларни яхшилашга интилаётганига яна бир далилдир. Шунинг-ман, бундай алоқалар ўзининг ижобий самарасини бераверади.

Яна бир гап: Японияннинг Марказий Осиё минтақасига қизиқиши катта. Шу йил Афғонистондаги можаролар тугатилиб, унга иқтисодий ёрдам беришга бағишланган нуфузли халқаро кенгашнинг айнан Токиода ўтказилгани ҳам ушбу фикрнинг тасдиғидир.

СУРАТДА: Президент Ислом Каримовнинг Япония императори Акихито билан учрашуви пайти.
Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

Токио. 29 июль.

Япония ҳукуматининг таклифига биноан Токиога ташриф билан келган Президент Ислом Каримов бугун Бош вазир Жунъитиро Коидзуми билан учрашди. Суҳбат чоғида икки томонлама муносабатлар, Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш, Афғонистондаги тикланиш, Ўзбекистонда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш борасида фикр алмашилди.

Учрашув якунида Ислом Каримов ва Жунъитиро Коидзуми икки мамлакат ўртасида дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги ҳамда ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва Ўзбекистондаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қўшма баёнотларга имзо чекди. Биринчи ҳужжатда томонлар тенглик, ўзаро англашув ва халқаро ҳуқуқнинг умумий қабул қилинган тамойил ва меъёрларига асосланган ҳолда дўстона муносабатларни ва стратегик ҳамкорликни ривожлантириш ниятини билдиради. Ўзбекистон томони Япония юритаётган «Ипак йўли минтақаси дипломатияси» сиёсатини юқори баҳолаган эса, Япония Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги муҳим ҳамкор деб билишини, халқаро террорчиликка қарши курашдаги саъй-ҳаракатларини ғоят қадрлашини ва мамлакатимизнинг минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидаги қадамларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини таъкидлаган. Ҳужжатда икки томонлама ҳамкорликнинг муҳим вазифалари сифатида савдо, сармоя, технология ва таълим соҳаларидаги алоқаларни янада ривожлантириш белгилаб берилган. Шунингдек, Афғонистонда барқарор тинчлик ўрнатилишидан Ўзбекистон ҳам, Япония ҳам манфаатдорлиги таъкидланиб Япония томонидан Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона яратиш ташаббуси қўллаб-қувватланиши айтиб ўтилган.

Иккинчи ҳужжатда эса энергетика соҳасидаги ҳамкорликдан ўзаро манфаатдорлик эътироф этилиб, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, сармояларни ҳимоялаш ва рағбатлантириш, икки томонлама соликдан чекланиш ва ҳаво алоқаси борасидаги ҳуқуқий асосни мустаҳкамлашга келишиб олингани таъкидланган.

Айни пайтда икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ҳамкорлиги, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг «Мицубиси», «Мицуи», «Марубени», «Нише Иваи» корпорациялари билан ҳамкорлиги, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан «Bank of Tokio-Mytsubisi» ўртасида имтиёзли кредит, «Ўзбектуризм» Миллий компанияси билан Япония сайёҳлик агентликлари уюшмаси ва бошқа сайёҳлик компаниялари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди. Шундай қилиб, Ўзбекистон билан Япония ўртасида имзоланган ҳужжатлар ўн тўрттага кўпайди.

ЎзА мухбирларига маълум қилишларича, Япония бош вазирининг қароргоҳида давлатлараро ҳужжат имзоланиши жуда ноёб воқеа. Ислом Каримовнинг ташрифи чоғида бундай йўл тутилгани Японияннинг мамлакатимизга нисбатан алоҳида муносабатидан далолатдир.

Президент Ислом Каримов Япония императори Акихито билан учрашди. Бу учрашувда ҳам томонларнинг ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдорлиги таъкидланди. Япония императори сиёсий ишларга аралашмаса-да, мамлакат халқининг фахри ҳисобланган боис катта нуфуз ва обрўга эга. Бу шахснинг Ўзбекистон раҳбарига ғоят илиқ муносабат билдириши – музокарадаги очиқлик ва самимийлиги, юртимизга хайрихоҳлиги муҳим аҳамият касб этади. Зеро, халқ ўзи эҳтиром этадиган, фахрланадиган кишининг нуқтаи назарини қўллаб-қувватлайди.

Президент Ислом Каримов ўзи жойлашган «Империал» меҳмонхонасида Япония ташқи ишлар вазири Йорико Кавагучи хоним, молия вазири Масажуро Шиокава, Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) президенти Такао Каваками, Япония Халқаро ҳамкорлик банки (JBIC) президенти Кёсуки Шинозавани қабул қилди. Учрашувларда Ўзбекистон – Япония муносабатларини ривожлантиришга оид масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Ислом Каримовнинг Японияга ташрифи давом этмоқда...

Токио. 30 июль.

Президент Ислом Каримов Японияннинг энг нуфузли олий ўқув юртларидан бири – Васеда университетига ташриф буюрди. Шу муносабат билан мазкур илм даргоҳида бўлиб ўтган учрашувда университет ректори Окушима Такаясу Ислом Каримовнинг давлатни бошқариш, ривожлантириш ва икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш борасидаги улкан хизматларини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон эришаётган ютуқлар, хусусан, изчилик билан амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг самаралари нафақат мамлакатимизда, балки халқаро миқёсда ҳам аҳамияти катта эканлигини қайд этди.

Васеда университети Илмий кенгашининг қарорига биноан Ислом Каримовга мазкур олий ўқув юртининг фахрий доктори унвони берилди. Президентга бу ҳақдаги ҳужжат топширилди ва докторлик мантияси кийдирилди.

Йиғилиш сўнггида Ислом Каримов ўзбекистонлик талабалар билан мулоқотда бўлди. Ўзбекистон учун замонавий кадрларнинг аҳамияти, бу борада мамлакатимизга Япония томонидан кўрсатилаётган ёрдам ҳақида сўзлади.

Японияннинг турли олий ўқув юртларида етмишга яқин ўзбекистонлик талаба таълим олмоқда. Шу куни Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлари ўртасида 348 миллион иен миқдорида грант ажратиш тўғрисидаги битим имзоланди. Бу ҳужжат яна 20 нафар ўзбекистонлик йигит-қизнинг Японияда таҳсил олиши учун имконият яратади.

Президентимизнинг Японияга ташрифи учрашувларга бой кечмоқда. Ислом Каримов «Империал» меҳмонхонасида «Мицуи» компанияси президенти Шинжиров Шимидзуни қабул қилди. Ушбу компания мамлакатимиздаги кўплаб йирик лойиҳаларда фаол иштирок этиб келмоқда. Учрашувда Ўзбекистон билан «Мицуи» ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари, амалга оширилаётган ва келгусида ижро этилиши мўлжалланаётган қўшма лойиҳаларга оид масалалар муҳокама қилинди.

Президент Ислом Каримов Япония Либерал-демократик партиясидан сайланган депутатлар билан учрашди. Унда Японияннинг собиқ бош вазири Йосиро Мори, ЛДПнинг сиёсий ишлар бўйича комиссияси раиси, «ЛДП – Ўзбекистон» дўстлик лигаси президенти Таро Асо, Лига бош котиби Нарияки Накаяма давлатимиз раҳбарининг мазкур ташрифи икки томонлама муносабатларни янги босқичга кўтаришга умид билдирди.

«Токио Каикан» меҳмонхонасида Япония ишбилармонлари вакиллари билан учрашувда Ислом Каримов Ўзбекистондаги буюк ўзгаришлар, хорижлик сармоядорлар учун яратилаётган қулай шароитлар ҳақида сўзлади.

* * *

Токио. 31 июль.

Бугун Президент Ислом Каримов Японияннинг иқтисодиёт, савдо ва саноат вазири Т. Хиранумани қабул қилди. Учрашувда икки мамлакат ўртасида товар айрибошлашни ва Ўзбекистонга киритилаётган Япония сармоясини кўпайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Мамлакатимиз раҳбари Япония ташқи савдо ташкилоти (JETO) раиси О. Ватанабени қабул қилди. Ушбу ташкилот икки йил аввал Ўзбекистонда ваколатхона очган. Япония билан мамлакатимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларда JETROнинг салмоқли ўрни бор. Учрашувда ана шу ҳамкорликни янада ривожлантириш масаласи мулоқотнинг асосий мавзуси бўлди. Ислом Каримовнинг яна бир учрашуви «Марубени» корпорацияси президенти Т. Цуджи билан ўтказилди. Бу корпорациянинг Ўзбекистон билан ҳамкорлиги мамлакатимизда амалга оширилган ва оширилаётган йирик лойиҳаларда ўз ифодасини топган. Масалан, «Оқсарой тўқимачи ЛТД» , «Чиноз тўқимачи ЛТД» каби тўқимачилик қўшма корхоналарида «Марубени»нинг техника ва технологияси ишга солинган. Яхши маълумки, мазкур корпорациянинг маҳсулоти асосан экспортга кетади, хорижда эса мижозлари кўп. Мамлакатимиз раҳбари билан суҳбат чоғида ўзаро ҳамкорлик кўлами ва қирраларини кўпайтириш хусусида сўз боради.

Ўзбекистон Президенти машҳур «Сони» корпорациясининг кўргазма марказида мазкур корхонанинг техника ва технология соҳасида эришган сўнгги ютуқлари билан танишди, ишлаб чиқарётган маҳсулотларни кўздан кечирди.

Шу билан Ислом Каримовнинг Японияга ташрифи ниҳоясига етди. Президент Токионинг «Ханеда» аэропортидан Ватанимизга жўнаб кетди.

* * *

Шу куни Президент Ислом Каримов Тошкентга етиб келди.

Расмий ташриф шарҳи

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон дунёнинг яна бир қудратли давлати билан стратегик ҳамкор бўлди. Гарчи, мамлакатимиз билан Японияни ушбу ташрифга қадар ҳам стратегик ҳамкор давлатлар, деб ҳисоблаш мумкин бўлган эсада, Токиода имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот бундай муносабатларимизнинг расмий тасдиғи бўлди ва алоқаларни янада кенгайтириш имкониятларини очиб берди.

Япония Ўзбекистон билан ҳар томонлама яқин ҳамкорлик қилиб келаётган мамлакатлардан бири. Унинг шу чоқ-қача иқтисодиётимизга киритган сармояси ҳажми 1,6 миллиард АҚШ долларидан ошади. Бундан ташқари, "Тараққиётга расмий ёрдам" дастури доирасида мамлакатимизга беғараз ёрдам сифатида 100 миллион доллардан зиёд маблағ ажратилган. 2000 йилдан буёғига кичик ҳажмли лойиҳалар учун жами 2,225 миллион долларлик маблағ ажратилишини назарда тутувчи 48 шартнома тузилди. Ўзбекистонда 18 япон компаниясининг ваколатхонаси, ўнга яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Сиёсий соҳада эса томонлар кўплаб халқаро масалаларда бир-бирига мос муносабатда эканлигини таъкидламоқ жоиз. Халқаро террорчиликка қарши кураш борасида ҳам икки мамлакат бир-бирининг саъй-ҳаракатларини маъқуллаб, қўллаб-қувватлаб келади. Ўзбекистон Японияннинг БМТ Хавфсизлик кенгаши доимий аъзолари сафидан жой олишини ёқлаб келади.

Энди икки мамлакат ўртасидаги янги — стратегик ҳамкорлик ҳақида сўз кетар экан, аввало, бу муносабатларнинг мазмун-моҳиятига тўхталиш даркор. Гап шундаки, айрим мамлакатлар ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, маълум муддат давомида муайян давлат билан қалин ҳамкорлик қилиши, дунё сиёсий ва иқтисодий ҳаёти ёки ҳамкор мамлакатдаги вазият ўзгариб қолса, тўнини тескари кийиши мумкин. Стратегик ҳамкорлик эса, айрим ўзгаришлардан қатъи назар узоқ муддатли, қалин, ўзаро ишончга йўғрилган муносабатларни назарда тутади.

Мазкур ҳужжатда томонлар тенглик, ўзаро англашув ва халқаро ҳуқуқнинг умумий қабул қилинган тамойил ва меъёрларга асосланган ҳолда дўстона муносабатлар ва стратегик ҳамкорликни ривожлантириш ниятини билдиради. Икки томонлама ҳамкорликнинг муҳим вазифалари сифатида савдо, сармоя, технология, таълим ва бошқа соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантириш белгилаб берилган. Шунингдек, Афғонистонда барқарор тинчлик ўрнатилишидан Ўзбекистон ҳам, Япония ҳам бирдай манфаатдорлиги таъкидланган. Япония томонидан Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона яратиш ташаббуси қўллаб-қувватланиши айтиб ўтилган.

Таъкидламоқ жоизки, Ўзбекистон шу йилнинг март ойида АҚШнинг стратегик ҳамкори деб эълон қилинган эди. Эндиликда мамлакатимиз расман ҳам Ғарб, ҳам Шарқнинг энг қудратли давлатлари билан ўта қалин ишончли муносабат ўрнатди. Агар бу доирага Европадаги ишончли ҳамкорларимизни ҳам қўшсак, Президентимиз Ислом Каримовнинг узоқни кўзлаб, изчиллик билан юритаётган оқилона сиёсати туфайли Ўзбекистон халқаро майдонда нечоғли юксак ўринга эга бўлаётгани яққол намоён бўлади.

Токиода Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Жунъитиро Коидзуми имзолаган иккинчи ҳужжат — Иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва Ўзбекистондаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қўшма баёнот ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга. У иқтисодиётнинг кўплаб соҳалари бўйича икки томонлама қонун ҳужжатларини такомиллаштиришни назарда тутади. Жумладан, унда энергетика соҳасидаги ҳамкорлик, савдо-иқтисодий муносабатлар, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш, ҳаво алоқасида ҳамкорликни янада кенгайтириш каби масалалар қамраб олинган. Албатта, Япония томони бундан буён ҳам Ўзбекистондаги ислоҳотларни янада кенг қўллаб-қувватлаши алоҳида таъкидланади.

Япония Бош вазирининг қароргоҳида давлатлараро ҳужжат имзоланиши жуда ноёб воқеа. Ислом Каримовнинг ташрифи чоғида ҳужжатлар айнан Бош вазир қароргоҳида имзолангани Японияннинг мамлакатимизга нисбатан алоҳида муносабатидан далолатдир. Бу стратегик ҳамкорликдан фақат Ўзбекистон эмас, Япония ҳам манфаатдорлигини, икки томонда ҳам алоқаларни шундай юксак даражага кўтариш учун интилиш ғоят кучли эканини тасдиқлайди.

Умуман, Токиода жами ўн тўртта ҳужжат имзоланиб, ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий пойдевори ғоят мустаҳкамланди ва мазмунан бойиди. Икки мамлакат Ташқи ишлар вазирликлари ҳамкорлиги, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг "Мицубиси", "Мицуи", "Марубени", "Нише Иваи" корпорациялари билан ҳамкорлиги, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан "Bank of Tokio-Mytsubisi" ўртасида имтиёзли кредит борасидаги, "Ўзбектуризм" Миллий компанияси билан Япония сайёҳлик агентликлари уюшмаси ва бошқа сайёҳлик компаниялари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар, 348 миллион иенлик грант ажратилиши ҳақидаги нота ва бошқа муҳим ҳужжатларга имзо чекилди.

Ислом Каримовнинг Токиодаги Васеда университети томонидан ушбу муассасанинг ҳуқуқ фанлари бўйича фахрий доктори этиб сайлангани ҳам ғоят муҳим воқеадир. Ўзбекистон-Япония илмий муносабатлари ривожига қўшган улкан ҳиссаси, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бош ташаббускори ва ижодкори бўлгани учун Васеда университети илмий кенгаши Ўзбекистон Президентини ана шу унвон билан тақдирлади.

Университетдаги тантанали йиғилишда Ўзбекистон Президенти Фармони билан икки мамлакат халқлари ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш, илм-фан ва маданият соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун таниқли олим ва жамоат арбоби, Васеда университети ректори Такаясу Окушима Ватанимизнинг "Дўстлик" ордени билан тақдирлангани эълон қилинди. Ислом Каримов орденни топширар экан, бу ҳам Ўзбекистон-Япония дўстлигининг рамзи эканлигини таъкидлади.

Қабул қилинган ҳужжатларнинг аҳамияти ҳамда сафар чоғида Ислом Каримовнинг ҳукумат, ишбилармон ва академик доиралар вакиллари билан самарали, сермазмун, очиқ, дўстона музокаралари Президентимизнинг ташрифи юксак даражада ўтганидан далолат беради. Ташриф натижаларини сарҳисоб қилар экан, Президент Ислом Каримов уч масалани алоҳида қайд этди.

Биринчиси, шубҳасиз, Ўзбекистон ва Японияннинг стратегик ҳамкорлиги расман ўз тасдиғини топганидир.

Яна бир натижа шуки, сиёсий соҳадаги муносабатлар тамомила янги босқичга кўтарилди. Япония Либерал-демократик партияси мамлакатда қарийб 50 йилдан буён ҳукмронлик қилади. Ана шу партия ташаббуси билан парламентда "ЛДП-Ўзбекистон" дўстлик лигаси тузилган. Ислом Каримов Токиода партия етакчилари билан мулоқотда бўлди. ЛДПнинг бош қароргоҳида ўтказилган қабул маросимида кечган ушбу суҳбатлар ғоят самимий бўлиб, мезбонларнинг муносабатида чуқур эҳтиром, меҳр ва дўстлик руҳи яққол сезилиб турарди.

Ислом Каримовни Жунъитиро Коидзуми ва император Акихито ҳам ниҳоятда самимий кутиб олди.

Император билан учрашув эса алоҳида мавзу. Таомилга биноан, император ҳеч маҳал бир давлат раҳбарини, у неча марта Японияга ташриф буюриши ва ташрифи қандай мақомда ўтишидан қатъи назар, икки марта қабул қилмайди. 1994 йилнинг майида Акихито билан учрашган Ислом Каримов бу сафар ҳам император саройида меҳмон бўлди. Яна бир гап. Япония императори камдан-кам ҳолларда меҳмонларни шахсан кутиб олиб, кузатиб қўяди. Мамлакат халқининг фахри ҳисобланган бу шахснинг Ўзбекистон раҳбарига ғоят илиқ муносабат билдириши — музокарадаги очиқлик ва самимийлиги, юртимизга хайрихоҳлиги муҳим аҳамият касб этади. Зеро, халқ ўзи эҳтиром этадиган, фахрланадиган кишининг нуқтаи назарини қўллаб-қувватлайди. Демак, Япония императорининг давлатимиз раҳбарига кўрсатган эҳтироми замирида катта маъно-мазмун мужассам.

Шундай қилиб, Токиода Ўзбекистон-Япония сиёсий муносабатлари янада юксалиш палласига киргани аён бўлди. Бу албатта, мамлакатимизнинг одил сиёсати, Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг эътирофи, халқимиз ва ҳукуматимизга эҳтиромдан дарак беради.

Ташрифнинг яна бир ўзига хос жиҳати унинг иқтисодий музокараларга бой бўлганидир. Ислом Каримов таъбири билан айтганда, "Япония иқтисодиётини тебратиб турган" йирик корпорациялар раҳбарлари билан алоҳида учрашувлар бўлди, ишбилармон доираларнинг нуфузли вакиллари иштирокида қабул маросими ўтказилди. Кўтаринки руҳда ўтган суҳбатлар давомида энергетика, ахборот технологиялари, тўқимачилик, кимё ва енгил саноат, коммуникация тизимларини такомиллаштириш борасида кўплаб аҳдлашувларга эришилди.

Айниқса, пахта ва ипакни қайта ишлаш саноати соҳасидаги келишувлар алоҳида эътиборга молик. Қайси мамлакатда бу соҳада тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилса, иш унумдорлиги оширилиб, маҳсулот сифатли бўлиши таъминланса, пахта ва пилладан келадиган даромад бир неча баробар юқори бўлади. Энди Ўзбекистоннинг ушбу соҳаларига ҳам Япония техника ва технологияси кўпроқ жорий этилиши аниқ.

Ислом Каримов Ўзбекистон Япония учун Марказий Осиёга кўприк вазифасини эгаллашини таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам, сўнгги вақтларда жуда кўп давлатлар қатори Японияннинг ҳам Ўзбекистон ва Марказий Осиёга муносабати тубдан ўзгарди. Сўнгги бир йил ичида эса, бутун дунё Ўзбекистонни қайтадан таниди, десак, хато бўлмайди. Бунинг сабаби кўп. Ўзбекистоннинг минтақамиздаги стратегик, жўғрофий-сиёсий аҳамияти, заҳиравий имкониятлари, иқтисодий салоҳияти муҳимлигини энди ҳеч ким инкор этолмайди.

Шундай қилиб, Ислом Каримовнинг Японияга сафари улкан натижалар билан якунланди. Таъкидланганидек, Ғарбда қудратли давлатлар билан стратегик ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган Ўзбекистон энди Шарқдаги етакчи давлат билан ҳам қалин шериклигини расмийлаштирди. Мамлакатимиз кунчиқар Шарқдан кунботар Ғарбгача дўстлик ва ҳамкорлик кўлини чўзмоқда. Ташриф чоғида эришилган келишувлар эса тез орада ўз самарасини бериши шубҳасиздир.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири
Тошкент - Токио - Тошкент.

Ислоҳот ва самара

«ҚАҲРАМОН»НИНГ ШИДДАТИ

Бугун ҳаётнинг талаби шундай: кимки ўз ишига сидқидилдан кўнгил қўйиб меҳр боғласа, омади чопиб ютуқлари мустаҳкамланиб бораверади. Оққўрғон туманидаги «Қаҳрамон» ширкат хўжалиги далаларини айланар эканмиз беихтиёр кўнглимиздан кечган бу фикрнинг бежиз эмаслигини англадик. Боиси, сир эмас. Кейинги йилларда мазкур ширкат хўжалиги қишлоқ хўжалигининг қатор соҳаларида пешқадамлик қилиб, катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Пахтачилик ва ғаллачиликда ўзига хос ҳаётий тажриба орттираяпти.

Албатта, кўпчилик бунинг боисини йил бўйи қилинган меҳнатнинг самараси деб ифодалаши мумкин. Тўғри, аммо яна бир бошқа ҳақиқатдан асло кўз юмиб бўлмайди. Қаерда раҳбар, тадбиркор, ишбилармон бўлса, узоқни кўзлаб иш юритса ўша ерда ҳамжиҳатлик унум ва самара бўлади. Ҳозир кўпчилик ширкат хўжалиги бошқарувининг раиси Саидкамол Баҳромов ҳақида ана шундай илиқ фикрларни билдиришмоқда.

Турли ерларда ишлаб бой ҳаётий тажриба орттирган бу малакали раҳбарнинг хўжаликни бошқараётганига кўп бўлгани йўқ. Аммо кейинги уч йил ичида бу ердаги ишларнинг кўлами яққол кўзга ташланиб қолди. Ишлаб чиқариш режалари муваффақиятли адо этилиши билан биргаликда ҳаётимизда қарор топаётган янги соҳаларга ҳам кенг ўрин берила бошлади. Айниқса, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни ривожлантириш хўжалик раҳбарининг алоҳида диққат-эътиборида бўлди.



Бунинг эвазига хўжаликда янги соҳалар қарор топди. Оҳак цехи ишга туширилиб, қурилиш учун муҳим бўлган бу маҳсулот истеъмолчиларга етказиб берила бошланди. Ўз навбатида ширкат хўжалигининг машина-трактор парки биносидаги бўш хоналар ўрнида ишга туширилган тегирмон цехини айтмайсизми? Ҳозир бу ердан мижозларнинг қадами узилмайди. Эртаю-кеч хўжаликда етиштирилган буғдойдан сифатли ун чиқариб олаётган маҳаллий аҳолининг тилидан эса асло шу гап тушмайди:

– Бизга шундай қулайликларни яратаётган раҳбарларимизга минг раҳмат.

Албатта, инсон учун элнинг муносиб баҳосига сазовор бўлишдан ҳам ортиқ бахт йўқ. Хўжалик раиси Саидкамол Баҳромов бунга қандай эришяпти?

– Узоқни олдиндан кўра билиш фазилатига эга бўлганлиги учун ҳам раисимиз тезда эл эътиборини қозонди, – дейди маҳаллий тадбиркор Рустам Турсунов. – Тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга бўлаётган алоҳида эътибор боис ўтган йилнинг охирларида тегирмон цехини ишга туширган эдим. Унинг ёнида кунига 450 килограмм макарон маҳсулоти ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган мини цехни ҳам очдим. Эндиликда ўзимизнинг тегирмон унидан тайёрланадиган печенье маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўзлаб юрибман.

Ширкат хўжалиги раҳбариятидан миннатдорлик бежиз эмас. Ҳозир бу ерда қайси соҳани олманг, кескин ўзгаришларнинг шоҳиди бўласиз. Мана бу йил деҳқончилик учун қулай келди. Ғалладан мўл-ҳосил етиштирилди. Ўртача ҳар бир гектар ҳисобига 42 центнердан ҳосил етиштирилди. Ортиқча олинган 139 тонна ғалла шу соҳада жон койитиб меҳнат қилганларнинг, пешона тери тўкканларнинг ҳисобида қолдирилди.

– Мен бир неча йилдан бери оилавий пудрат асосида фаолият кўрсатиб келаяпман, – дейди пудратчи Серғози Жуматоев. – Бу йил 66 центнердан хирмон кўтардик. Етти ярим гектар ғалла майдонидан мўл-ҳосил етиштирдик. Натижада 7 тоннаю 240 килограмм буғдой ўзимизга қолди.

Хўжаликда иш пудрат асосида ташкил этилган. Ғаллачиликда 79 та бош пудратчи пахтачиликда эса 47 та бош пудратчи қизғин фаолият кўрсатмоқда. Меҳнатдан манфаатдорликнинг тўла йўлга қўйилганлиги боис ширкат аъзолари ўз меҳнатларининг самараларини кўришга муваффақ бўлишаяпти. Айни пайтда ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экинлар экилиб янги ҳосил учун пухта замин ҳозирланмоқда.

Хўжалик деҳқонлари айни кунларда пахтадан ҳам мўл ҳосил етиштириш учун далаларда фидокорона тер тўкишаяпти. Айниқса икки мусобақадош бош пудратчилар Тўлаган Атаев ва Омон Тожиевлар даласидаги ғўзаларнинг баравжлигини кўриб кўзингиз қувнайди. Улар бу йил ўзларига бириктирилган майдонларнинг ҳар гектаридан 35 центнердан ошириб «оқ олтин» етиштиришни кўзлашмоқда.

Каримжон РИХСИЕВ,
«Адолат» мухбири.

СУРАТЛАРДА: 1. Хўжалик раиси Саидкамол Баҳромов илғор бригадир Омон Тожиев билан ҳосилни чамаламоқда. 2. Пешқадам бригада етакчиси Тўлаган Атаев бу йил ҳосилдорликни 35 центнерга етказмоқчи. Хўжалик бош ҳосилоти Раҳматали Қўзиев унинг гапларини тасдиқлайди. 3. Далаларда етилаётган мўл ҳосилда механизатор Неъмат Бўрибоевнинг кат,та улуши бор. 4. Тадбиркор Рустам Турсунов қизи Маҳмудахон билан тайёрлаб бераётган макаронлар хўжалик аъзоларига арзон нархда сотилади.

Муаллиф олган суратлар.

Замондошимиз

ЭЗГУ НИЯТЛАР ОҒУШИДА

Рўзимурод Каттақўрғон шаҳар ички ишлар бўлимининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида инспектор вазифасида эндигина иш бошлаган чоғлари эди. Шаҳар йўлларидаги автомобилларни назорат қилиб турганда енгил «Москвич» машинасининг чайқалиб келаётганига кўзи тушди. Рўзимурод қўлидаги таёқчаси билан шофёрга машинани четга олиб тўхтатишни имо қилди. Машина тўхтагач, у шофёрнинг олдига бориб ичган-ичмаганлигини аниқлади.

– Нега ароқ ичиб машинани ҳайдаяпсиз, – деди шофёрнинг қизарган кўзларига қараб.

– Энди, оғайнилар билан бир улфатчилик қилдик-да, – нима бўпти, – дея баландпарвоз сўзлар билан жавоб қайтарди шофёр.

Шофёрнинг бу хурмача қилиғидан Рўзимуроднинг жаҳли чиқди.

– Машинани зўрға бошқараяпсиз-у, яна нима бўпти дейсиз-а!

Шу пайт Рўзимуроднинг ҳамкасбларидан бири машина ёнига етиб келди.

– Ия, ўзимизнинг акахонимиз-ку! Рўзимурод, бу кишига жавоб бериб юбор. Кетаверсинлар.

– Нималар деяпсиз, – кескин рад этди Рўзимурод, – маст кишига машинани бошқариш мутлақо мумкин эмаслигини яхши биласиз-ку! Қолаверса, ўзингиз ҳам ЙХХХ ходимисиз.

– Сен бу кишини танимайсан, ёғоч савдоси омборида ишлайдилар.

– Хўш нима бўпти?

– Акамиз хизматини аямайдиганлар тоифасидан.

– Қонун-қоида ҳаммага баробар.

Ўша куни Рўзимурод ўзидан беш-олти йилдан кўпроқ автоназоратчи бўлиб ишлаган ҳамкасбининг ҳам, машина рулини бошқариб келган ҳайдовчининг ҳам илтимосларига қулоқ тутмади. Ўзи машина рулига ўтириб, шаҳар ички ишлар бўлимига олиб келди. Спиртли ичимлик ичиб, машинани бошқараётган шофёрнинг ҳужжатларини расмийлаштирди.

Тегишли жазосини олган шофёр орадан 2-3 кун ўтгандан сўнг Рўзимуроднинг ҳузурига келиб, ўша кунги ножўя қилиғидан узр сўради.

– Чора кўрилганига хафа эмасман, – деди хатога йўл қўйган шофёр, – ўша куни тўхтатиб яхши иш қилдингиз. Акс ҳолда ҳалокатга йўлиқишим ҳеч гап эмас экан.

Мана 20 йилдирки, Рўзимурод Жўраев ўз хизмат постида ана шундай ҳалол ва хушёр ишламоқда. У раҳбарият томонидан қайси постда йўлларни назорат қилиш учун юборилмасин, ўткир нигоҳи доимо автомобиллар ҳаракатида бўлади. Қоидани бузганларга асло шафқат қилмайди. Рўзимурод Жўраев ўзининг фидокорлиги, касбига нисбатан садоқати туфайли эл олқишига сазовор бўлди. Кўпчилик каттақўрғонликлар унинг ана шу хизмат соҳасида қатъийлиги туфайли «Полковник» деб ном беришган.

Ўз касбига меҳр билан ёндошган Рўзимурод Жўраев 1989 йилда Каттақўрғон Туман ички ишлар бўлимининг ДАН бўлинмасида маъмурий амалиёт инспектори, 1995 йилдан 2001 йилга қадар Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармасининг ДЙХХХда маъмурий амалиёт гуруҳи бошлиғи вазифаларида ҳалол хизмат қилди. У милиция майори унвонига ва «Милиция аълочиси» нишонига сазовор бўлди.

Бугунги кунда Рўзимурод Жўраев Каттақўрғон туман ички ишлар бўлимининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати раҳбари. Унинг бир жойда ўтирганини кўрмайсиз. Рўзимуродни дам туманнинг катта йўлида, дам хўжаликлардаги, ташкилотлардаги автосаройларда, дам мактабларда учратасиз. У қаерда бўлмасин одамларга, айниқса, ўқувчи ёшларга йўл қоидалари ҳақида тушунтириш ишлари олиб боради. Жойларда автотранспортни бошқариш ва пиёдалар ҳаракати ҳақида фойдали тадбирлар ўтказиш ташвиши билан елиб-югуради.

Рўзимурод Жўраев ҳар тонг хизматни бошлашдан олдин устозлари Вагиз Ҳайдаров, Тошпўлат Маслонов, Раззоқ Расуловларнинг автоназоратчининг нигоҳи ўта ўткир, ўзи эса хушёр бўлиши керак, шундагина йўлларда осойишталик ҳукм суради, деган сўзларини ёдга олади. Бир вақтлар тажрибали ва ҳалол автоназоратчиларга шогирд бўлган Рўзимурод Жўраев бугунги кунда кўпчилик ёшларнинг устози. Тумандаги Аҳмад Раззоқов, Қўчқор Турсунов, Сайдин Ражабов, Баҳодир Турдиев ва Дилшод Исоқов сингари фидойи автоназоратчилар Рўзимурод Жўраевни фахр ва ғурур билан устоз, дея тилга олишади.

Рўзимурод Жўраевнинг бирдан-бир мақсади равон йўлларимизда ҳамиша осойишталик ҳукм сурсин. У ана шундай эзгу ниятлар оғушида кеча-кундуз халқ хизматига камарбастадир.

Асқар ЖАЛИЛОВ,
«Адолат» мухбири.

Журналистик текширув

ТАДБИРКОР АТРОФИДАГИ «ЎЙИН»ЛАР

Мазкур мақолани ёзиш олдидан бир нарса ҳақида фикр қилдик: адолат дарахти энди илдиз отиб, кемтик эмас, ҳақиқий, бус-бутун қонунчилик ўрин олиб келаётган жамиятимизда онда-сонда бўлса-да қасддан бўрттириб кўрсатилган, ўзи аслида бўлмаган «жиноят»лар учраб тураркан. Қуйида сўзлаб бермоқчи бўлганларимиз – айнан ўша тоифадаги қўлбола, ясалма «жиноий иш»лардан бири. Лекин ҳамма нарса тушунарли бўлсин учун гапни узоқроқдан бошлашимизга тўғри келади.

Бухорои Шарифда кўплар танийдиган, эл орасида анча-мунча ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган бир инсон яшайди. Ёши элликдан ошган. Исми-шарифи Мирзамурод Очилов. Йигирма йиллар давомида бозорлар қуриш, уларни ободонлаштириш билан ҳамшаҳарларининг назарига тушган. Вилоят марказидаги машҳур «Ёпиқ бозор», «Шаҳристон», «Болгарлар шаҳарчаси» бозорларининг ҳозир гуллаб-яшнаётганлигида айнан шу инсоннинг қўли – меҳнати борлигини ҳеч ким инкор этолмайди...

Бундан олти йил муқаддам, аниқроғи эса 1996 йилда Тўқимачи туманининг 6-кичик тумани ҳудудида қаровсиз ётган 1,4 гектар майдонни ўзлаштириб, шу ерда бозор мажмуасини бунёд этиш режаси туғилиб қолди. Туман ҳокимлиги бу вазифани уддалашни шу ишда бели қотган Мирзамурод Очиловга топширди.

– Мана шу ташландиқ майдонни ўзлаштиринг, яхши, катта, замонавий бозор ташкил қилинг, – дейишди унга.

М. Очилов туғишган укаси Боймурод Рўзиевни (у катта отасининг фамилиясида) ҳам шу ишга жалб қилгани ҳолда мазкур топшириқни бажаришга киришди. Ушбу мақсадда ака-укалар бисотидаги бор мол-мулкни сарф қилдилар. Таниш-билишларидан қарз кўтардилар. Янгигина енгил машиналарини бозорга олиб чиқдилар, зотан йўқ ерда бозор бунёд этиш жуда катта куч-ғайрат ва ҳаражатни талаб қиларди.

Биргина мисол (бу ҳақда расмий ҳужжат ҳам мавжуд): ташландиқ, заҳкаш чуқурликларга олиб келиб тўкилган тош-шағал ва тупроқнинг ўзи 2500 куб метрни ёки 1200 машинани ташкил этди. Ўз-ўзидан тушунарлики, ҳамма ҳаражатларни ака-ука ўз чўнтагидан кўтарди. На давлатнинг, на бошқа бирон-бир ташкилотнинг бир сўм пули ишлатилгани йўқ.

Кўринишидан ҳамма нарса яхши, рисоладагидек эди. Лекин яхши фаолият кўрсатиб, ҳар куни тузуккина даромад келтириб турган бозор, чамаси баъзи бировларнинг кўзини ўйнатиб юборди. Ака-ука тадбиркорларнинг боши узра «қора булут»лар пайдо бўла бошлади. Кунлардан бирида уларни Тўқимачи туман прокуратурасига чақириб қолдилар. Прокуратура терговчилари бозор маъмуриятини, унинг раҳбари М. Очиловни хабардор қилмаганлари (?) ҳолда ўзларича текшириш ўтказган ва ака-укаларни «ўзганинг 13502 сўмлик мол-мулкини ўзлаштириш»да айбдор топиб, Жиноят Кодексининг 5 та моддаси билан айб эълон қилгандилар.

Келинг, шу ўринда ака-укаларнинг сўзларига қулоқ тутайлик. Ука Боймурод Рўзиев шундай дейди:

– Мен терговчиларга айтдим: «Ахир бу ерда қанақа «ўзганинг мулки» бўлиши мумкин? Биз, туғишган ака-укалар бозорни давлатдан бирор сўм ҳам олмай, ўз пешона теримиз эвазига топилган пулга қурганмиз-ку!» Терговчи шундай жавоб берди: «Буларнинг бари оддий расмиятчилик, холос. Сизларга ҳеч нарса бўлмайди. Нари борса оз-моз жарима тўлаш билан қутулиб кетасизлар. Ишонмасаларингиз прокурорнинг ўзига кириб чиқинглар. У киши нима деса ўша гап».

Шундан сўнг биз навбатма-навбат туман прокурори Фурқат Маҳмудов ҳузурига кириб чиқдик. У ҳам терговчининг фикрини тасдиқлади. «Сизларга ҳеч нарса бўлмайди» деб ишонтирди.

Шундан сўнг терговчи биздан ҳеч нарса ёзилмаган, оппоқ қоғозларга имзо чектириб олди. «Тағин адвокат ёллаб, чиқимдор бўлиб юрманглар, буларнинг ҳаммаси оддий расмиятчилик» деб кўнглимизни тўқ қилиб чиқариб юборди. Ака Мирзамурод Очилов:

– Биз ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларига жуда ишонган ва уларни бағоят ҳурмат қилганимиз учун ҳам улар қандай қоғоз тақдим қилишмасин, индамайгина қўл қўйиб беравергамиз. Ахир ишонмай ҳам бўлармиди!..

Тадбиркор ака-укалар «бозор учун кураш»нинг бошида турган сардорлар уларни қандай қилиб чув туширгани кетишганини фақат бир қанча муддат ўтгандан кейин, судга чақирув қоғози келгач билиб олишди. Тўқимачи туман судининг 1997 йил 18 декабрь кунидаги мажлиси атиги ярим соат давом этди, холос. Судя ака-укаларнинг ҳар бирини уч йил муддатга озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарди, лекин ўша йилги амнистияни қўллаб, жазодан озод қилди.

– Мен серрайганча туриб қолдим, – дейди ўша кунларни эслаб Мирзамурод, – бироқ қўрқиб ҳам кетдим, чунки бизнинг изимиздан тушганларнинг ҳаммасининг тили бири эди. Биз қонунни билмаганлигимиздан, ўта ишонувчанлигимиздан баъзи бир кимсалар усталик билан фойдаланиб қолганлигини ана ўшандагина тушуниб етдик.

Орадан кўп ўтмай «Сизларга ҳеч нима бўлмайди» дея ака-ука тадбиркорни ишонтирган туман прокурори маҳаллий матбуотда Боймурод ва Мирзамуроднинг «қилмиш»ларини фош этувчи мақола билан чиқди. Мақола сўнгида «Судланган одам ҳали ҳам ўша мансабида ишлаб юрибди» деган сермаъно жумла бор эди. Ҳолбуки суд ҳукмида Очиловнинг ушбу вазифада қолиш-қолмаслиги борасида бир оғиз ҳам гап айтилган эмасди.

Шундан сўнг ҳақиқий «кавлакавла» бошланди. Мирзамурод ва очиқдан-очиқ шама қила бошладилар: «Сиз судланган деган ном олиб қолдингиз, энди ишдан кетмасангиз бўлмайди. Яхшиси ўз аризангиз билан кетинг». Ориятли бир, бироқ бундай «ўйин»лар тагида нима ётганини яхши англамаган М. Очилов ариза ёзиб беришга мажбур бўлди. Бир ҳафта ўтар-ўтмаёқ бозор бошлиқлигига ўрокда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир бир одам тайинланди...

Журналистларга катта умид боғлаган М. Очилов 1999 йилнинг охирида Тошкентга келди ва журналистлардан бирига ўз дарду ҳасратини тўкиб солди. Кўп ўтмай, аниқроғи 2000 йил апрель ойида республика «Ватан» газетасида «Айбим бўлса – жазоланглар» сарлавҳали мақола чоп этилди. Мақолада мазкур «ўйин»ларнинг туб илдизи очиб ташланган эди.

Кўп ўтмай мазкур мақола иньикоси сифатида республика Адлия вазирлиги Бухоро вилоят суди раёсатига Очиловлар ишини қайта ўрганиб чиқиш юзасидан тақдимнома киритди. Шундан сўнг «Тўқимачи туман судининг 1997 йил 18 декабрь кунги ҳукми бекор қилиниб, иш қайта тергов қилиш учун юборилди. Бироқ 8 ой давомида олиб борилган терговда терговчилар аввалги судда қайд этилган учта мўрт, сийқа «айб»лардан бошқа ҳеч нарса топа олмадилар. Лекин, кейин аниқланишича, ўша кейинги, иккинчи аризани унинг «дело»сига негадир тикмабдилар...

– Бизнинг гуноҳимиз шунчалар «катта ва ижтимоий жиҳатдан хавфли» бўлган экан, нега ўшанда қонуннинг бор кучини ишга солиб бизни жазоламадилар? – ҳақли савол беради Мирзамурод, – ахир биз ҳеч кимдан шафқат, мурувват кутган эмасдик-ку! Менга янгидан, тирноқ остидан кир излаб топиш мақсадида қўйилган учта айбларнинг ҳаммаси сохта, ясама. Улар прокуратура ходимларининг айбларини ёпиш мақсадида қасддан ўйлаб топилган. Майли, розиман, мени бошқатдан, янгитдан суд қилсинлар. Одил суд нима деса, мен ўшанга розиман.

Ўтган йилнинг куз ойларида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида Мирзамурод Очиловнинг ҳимоясига «Тадбиркор нимадан норози?» сарлавҳали мақола эълон қилинди. Мирзамурод ўша мақолада ҳам юқоридаги фикрларини тасдиқлади. Лекин, афсуски, бу мақоланинг ҳам таъсири бўлмади. Қандайдир кучларнинг тазъйиқи остида у натижасиз қолди...

Мана шунақа гаплар.

Ўз ишини яхши билган, лекин қонунни, ҳуқуқни яхши билмаган Мирзамурод Очилов, мана, беш йилдирки, адолат излаб сарсону саргардон бўлиб келаётир. Унга иккита нарса тинчлик бермайди. Биринчиси – ҳамшаҳарлари, ёру дўстлари, фарзандлари ёнида «судланган» деган тамғани кўтариб юриш бўлса, иккинчиси ўзининг катта ишонч ила бозор қурилиши учун сарфлаган мол-мулкидан ажралиб қолаётганлигидир. Бу ўринда бир мисолни келтириб ўтиш кифоя. Ўша, 1997 йил май ойида, бозор фаолияти айни гуллаб-яшнаётган кунлари Бухоро вилоят телевидениеси янги бозор фаолиятини кўкларга кўтариб мақтаб, ярим соатлик кўрсатув намойиш этган экан. Биз ўша кўрсатув видеотасмаси билан танишдик. Ундаги бир лавҳада кўрсатилишича, бозорда ўша пайт энг сара гуручнинг бир килоси 45 сўм экан. Яхши гуруч ҳозир қанча эканлигию ака-ука Очиловлар бозор қурилишига ўзларининг шахсий маблағларидан ўша пайтдаги пул билан 2,5 миллион сўм ҳаражат қилганликларини инобатга оладиган бўлсак, бу «ўйин»лар туфайли ака-ука тадбиркор қанчага чув тушиб қолаётганликлари ойдай равшан бўлади...

Кейинги пайтларда фуқаролар адолат излаб жуда кўп эшикларга бош суқиб кўргач ва натижа чиқмагач, сўнгги нажот сифатида республика Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)га мурожаат қилаётирлар. Мирзамурод Очилов ҳам шу йўлдан борди. Ниҳоят республикадаги вакил (омбудсман) С. Ш. Рашидованинг топшириғига кўра, мазкур масала билан омбудсман ҳузуридаги фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши комиссияси Бухоро вилояти минтақавий вакили – омбудсмани Т. Д. Сайидов бошчилигидаги аъзолари Бухоро шаҳрида ака-ука тадбиркорларнинг фаолиятига доир ҳамма ҳужжатларни бирма-бир ўрганиб чиқдилар. Ўнлаб гувоҳлар билан суҳбатлашдилар. Пировардида эса минтақавий вакил 7 саҳифадан иборат хулосага имзо чекди. Хулоса шундай сўзлар билан якунланади:

«...Очилов М. ва Рўзиев Б.ларнинг ҳаракатларида жиноий ҳодисанинг юз бермаганлиги ва уларнинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли ЎзР ЖПКнинг 83-моддаси 1 ва 2-қисмларига кўра уларни айбсиз деб топиб РЕАБИЛИТАЦИЯ этилиши лозим деб ҳисоблайман.

Бухоро вилояти Минтақавий Омбудсман вакили
Т. Д. САЙИДОВ».

Минтақавий вакил ўз хулосасида ака-ука тадбиркорларнинг бутунлай айбсиз эканликларини бир қанча далилий исботлар билан асослантирибдики, улардан баъзи бирларини ҳурматли газетхонларимиз билиб қўйсалар фойдадан ҳоли бўлмаса керак, деган фикрдамиз. Мана улардан айримлари:

«Очилов ва Рўзиевларнинг ҳаракатида «Тўқимачи» бозорини ободонлаштириш мақсадига эришиш учун асосли таваккалчиликка йўл қўйилган ва бунда улар муваффақиятли натижага ҳам эришганлар, яъни «Тўқимачи» бозорини ободонлаштирганлар. Шу сабабли уларнинг йўл қўйган камчиликлари жиноят ҳисобланмайди (Муаллиф таъкиди)».

«ЎзР ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми «в» бандига кўра айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкини мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан бир гуруҳ шахснинг талон-тарож қилиши тушунилади. Ушбу ҳолатда айбдорлар Очилов ва Рўзиевларга ишониб топширилган ва уларнинг ихтиёрида бўлган «ўзганинг мулки—бу «Мирзо Мурод» хусусий ширкатининг раҳбари ва таъсисчиси Рўзиев Б. ҳисобланади. «Тўқимачи» бозорида бажарилган ишларнинг Ф-2 далолатномасида 1997 йил февраль ойида 13502 сўм 47 тийинга ортиқча кўрсатилганининг сабаби, кўрсатилган қурилиш материалларининг нархи 1997 йил ҳисобидан олиниши ва ҳақиқатда «Мирзо Мурод» хусусий ширкати ва шахсан Очилов М. томонидан бажарилган барча ишларнинг инобатга олинмаганлиги ҳисобланади. Бу ҳолатда жиноятнинг объекти, яъни «ўзганинг» мулки йўқ, чунки барча ишлатилган, қурилган мулклар Очилов ва Рўзиевларнинг шахсий мулклари бўлган.

Объектив томонидан жиноят айбдор томонидан унга ишониб топширилган мулкни ўзлаштиришда ифодаланади. Мулк, яъни «Мирзо Мурод» хусусий ширкати ва «Тўқимачи» бозорида ишлатилган ва қурилган жиҳозлар, асбоб-ускуналар Очилов ва Рўзиевларнинг шахсий мулки бўлганидан кейин қандай қилиб улар ўзларининг мулкини ўзлари ўзлаштирган бўлади?».

Ҳа, қандай қилиб? Беш йилдан бери мана шу саволга бирон-бир мард жўяли жавоб топиб беролмаяпти.

Биз яқинда Мирзамурод Очилов билан яна учрашдик. У орадан ўтган ўша беш йил давомида ҳеч қаерда ишламай, адолат қидириб юрибди. Вилоят омбудсманининг хулосасига ҳам ҳеч ким адолат кўзгуси орқали қараб кўймади.

– Мен албатта бир кун ютиб чиқаман, – дейди у, – майли, яна беш йил ўтар. Ўн йил ўтар... Лекин адолат учун, курашишдан чарчамайман...

Қодиржон СОБИРОВ,
журналист.

ҲАР ТОМЧИ СУВ ҲИСОБДА

Касби туманидаги «Ғалаба» ширкат хўжалиги жамоаси 1967 гектар майдонга ғўза, 1350 гектарга эга ғалла эккан эди. Жорий йилда хўжалик миришкорлари ғалладан мўл ҳосил йиғиб олдилар.

Айни чоғда ширкат хўжалигида барча эътибор ғўза парваришига қаратилган. Бу ерда шу кунларда дастлабки суғориш ишлари якунланди.

Барча суғориш йўллари тозаланиб, махсус ўлчаш ускуналари ўрнатилди. Хўжаликда сув танқислиги боис унинг ҳар томчиси ҳисобда.

СУРАТЛАРДА: 1. (чапдан) оилавий пудратчилар Аҳмад Исмоилов ва Ҳайдар Орзиев сув тараш пайтида. 2. Ғўзаларни суғориш жараёни.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

Янги ўқув йилига тайёрмисиз?

ДАРСЛИКЛАР ЕТАРЛИМИ?

Кейинги йилларда ёш авлодни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш, уларнинг ҳар томонлама билимли, салоҳиятли бўлишлари учун катта ишлар қилинмоқда. Шу мақсадда қанчадан-қанча замонавий мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлари барпо этилди. Улар фаннинг энг илғор ютуқлари асосидаги компьютерлар ва бошқа техника воситалари билан жиҳозланди.

Албатта, энг аввало ўқув-тарбия жараёнини яхшиламасдан, ҳар томонлама пишиқ-пухта, мукаммал дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратмасдан туриб мақсадга эришиш қийин. Бу борада мактаб ўқувчиларига, коллеж ва лицейлар талабаларига зарур китобларни етказиб берадиган йирик нашриёт ҳисобланмиш «Ўқитувчи» нашриётида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

– Ҳозирги шиддатли ривожланиш даври биз матбаачилар ва маориф ходимлари олдига ўз фаолиятимизда кескин ўзгаришлар қилиш вазифасини қўймоқда, – дейди нашриёт директори Мўътабар Икромова. – Яъни ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш жараёнини шундай ташкил этиш керакки, ўқувчилар илм-фаннинг энг янги ютуқларини тезда ўзлаштириб олишга эришсинлар.

Бунинг учун аввало, ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган дарсликлар зарур. Шунингдек, ўқитишнинг сийқаси чиққан усулларидан воз кечиш ҳам талаб этилади. Демак, янги-янги китоблар билан бир қаторда ўқитувчиларимиз томонидан замонавий ўқитиш методикаси ўзлаштирилиб, шулар асосида пухта билим беришлари учун ўқув қўлланмалари зарур.

Ушбу масалани ҳал этиш жараёнида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фаннинг у ёки бу йўналиши бўйича олимларимиз, мутахассислар, тажрибали педагоглар жуда кўплаб дарсликлар яратишяпти. Бизнинг вазифамиз ана шулардан энг мақбулларини танлаб олиш ва чоп этишдир.

Шу мақсадда тендер уюштириб турилади. Ана шу тендерларда ғолиб чиққан дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини чоп этишга рухсат берилади. Алоҳида таъкидлашим лозимки, фақатгина шу йилнинг ўзида нашриётимиз Жаҳон Осиё тараққиёти банки лойиҳаси бўйича ўтказилган тендерда 9-синфлар учун яратилган алгебра, геометрия, она тили, рус мактаблари учун ўзбек тили, 7-синфлар учун немис тили китобларимиз ғолиб деб топилди.

Шунингдек, Халқ таълими вазирлиги лойиҳаси бўйича ўтказилган тендерда 9-синфлар учун география, 4-синфлар учун ўқиш китоби дарсликлари ғолиб деб топилиб, чоп этилди.

Энди бу йил республикамиз ўқувчиларининг дарсликларга бўлган талаблари қандай қондириляпти деган саволга келсак. Ота-оналар ва ўқитувчиларнинг хотирлари жам бўлсин. Барча ўқувчи болалар учун дарсликлар, қўшимча адабиётлар, ўқитувчилар учун ўқув қўлланмалар етарли миқдордадир. Жорий йилда биргина бизнинг нашриётимиз томонидан жами 106 номда 4 миллион 800 минг нусха китоб босиб чиқариш мўлжалланган эди. Ҳозиргача шуларнинг 84 номдагисини нашр этиб бўлдик. Қолгани шу ой охиригача харидорлар қўлига тегади.

Бундан ташқари ўтган йили чоп этилган китобларнинг бир қисми ҳам заҳирада турибди. Кўриниб турибдики, мамлакатимиздаги барча мактаблар ўқувчилари учун китоблар, яъни дарсликлар керагича бор. Уларни ўқувчиларга тўла етиб боришида узилиш бўлмайдими, деган саволларни оляпмиз. Шуни ишонч билан таъкидлашим лозимки, бу иш билан жиддий шуғулланилмоқда.

Вилоят ва туманлардаги савдо ташкилотлари, хусусий тадбиркорлар бу ишга жалб этилган. Айни пайтда истаган туманнинг исталган жойида дарсликлар, ўқув қўлланмалари, ўқув жиҳозларини сотиб олиш мумкин.

Бундан ташқари нашриётимизда маркетинг бўлими мавжуд бўлиб, ходимларимиз вилоятлар ва туманларга чиқиб, маҳсулотимизга бўлган талабни ўрганадилар ва зарур китоблар савдосини ташкил этадилар. Менинг ўзим яқинда Жиззах, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларининг кўплаб туманларида бўлиб, аҳолининг эҳтиёжини ўргандим. Шу асосда жойларга кўплаб дарсликлар, ўқув қўлланмалари юбориб сотдик.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда ўзбеклар билан бирга руслар, тожиклар, қозоқлар ва қирғизлар ҳам истиқомат қиладилар. Биз шуни ҳисобга олиб юқоридаги миллатлар тилларида ҳам турли-туман дарсликлар чоп этганмиз ва этяпмиз. Демак, рус, тожик, қозоқ, қирғиз тилида таълим олувчилар ҳам зарур китобларини бемалол харид қилишлари мумкин.

Нашриётимиз жамоаси бир хайрли ишга қўл урганини алоҳида таъкидлаш зарур. Биз нашриёт маблағи ҳисобидан болалар учун ёш, иқтидорли ижодкорларнинг китобларини чоп этишни йўлга қўйганмиз. Бу китоблар қўшимча адабиётлар сифатида болаларнинг дунёқарашини кенгайтиришга ҳисса қўшиши мумкин.

Ҳа, мустақил диёримизда Ўзбекистонни яқин келажакда ҳар томонлама ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқадиган баркамол авлодни тарбиялашга катта эътибор берилмоқда. Бундай эзгу ишга матбаачилар, хусусан «Ўқитувчи» нашриёти ходимлари ҳам салмоқли улуш қўшмоқдалар.

Каримжон РИХСИЕВ,
«Адолат» мухбири.

Гагарин шаҳарчасида жойлашган Жиззах вилоят соғломлаштириш маркази жамоаси даволанувчиларга малакали тиббий ёрдам кўрсатмоқда. Айни пайтда 50 ўринли ушбу марказда 20 киши эл соғлиги йўлида камарбаста.

СУРАТДА: марказ раҳбари ўринбосари Жавлон Жўраев марказга ташриф буюрганлар даврасида.

Шавкат АКРАМОВ олган сурат.

Тарихимизни ўрганамиз

КАВАРДОН – КЎҲНА ШАҲАР БЎЛГАНМИ?

«Ҳурматли таҳририят! Мен Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани Кавардон қишлоғида яшайман. Бобомнинг айтишича, қадимда бу ерда шаҳар бўлган экан. Аммо биз қишлоғимиз тарихи ҳақида шу гапдан бошқа ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз. Агар мумкин бўлса, Кавардон қишлоғи тарихи ҳақида атрофлича маълумот берсангиз...

Р. АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон халқ таълими аълочиси».

Дарҳақиқат, Тошкентдан ўттиз чақирим нарида Чирчиқ дарёсидан ажралиб чиқувчи Қорасув дарёси билан Ҳамдам (Паркент) канали оралиғида Кавардон деган ажиб бир сўлим гўша бор. Унинг пайдо бўлиш тарихи ҳам узоқ тарихимизга бориб тақалади. Шу боис бўлса керак, қишлоқнинг номи ва пайдо бўлиши ҳақида турли ривоятлар мавжуд.

Эмишки, бундан минг йил аввал бу жой ер сатҳининг тузилиши камарга ўхшаб кетганлиги учун одамлар бу қишлоқни Камарбанд деб атаганлар. XI аср бошларида Камарбандда ҳунармандчилик, деҳқончилик, чорвачилик хўб ривожланган. Камарбанд аслида кичик бир шаҳарча бўлган. Бу ҳақда археологлар ҳам қизиқарли маълумот беришган.

Бир куни эрта баҳорда Хонтепа (Кавардонда иккита шундай машҳур тепа бор. Бири – Хон, иккинчиси эса Хоним тепа деб аталади) устида ўтириб, қишлоқни томоша қилиб турсам (Т. Т.) бир гуруҳ археологлар келиб қолишди.

– Ҳа, олтин излаяпсизларми? – дея ҳазиллашдим.

– Олтиндан ҳам зўр нарсалар топиляпти ука, – дея жавоб қилди ЎзФа Яҳё Ғуломов номидаги Археология институти илмий ходими Геннадий Бағомолов. – Мана бир неча йилдирки, биз Чирчиқ дарёсининг қадимги ўзани ёқасида жойлашган Кавардон қишлоғи атрофида қазишмалар олиб боряпмиз, – дея суҳбатни давом эттирди у. – Қазишмалар жараёнида Кавардон асосида қадимий бурғулиқ маданиятига мансуб қатламлар ётгани маълум бўлди. Кўҳна Кавардон илк ўрта асрда ҳокимлик марказига айланган бўлиб, ўз пулини муомалага чиқарган. Ўша вақтларда шаҳарда зарб қилинган барча тангалар воҳадаги Қанқа шаҳри қазишмаларидан ҳам топилганди. Ана шу тангаларга ва қўлёзма манбаларга асосланиб, шаҳарнинг қадимий номи Каварна эканлигини билиб олиш мумкин. Лекин унинг қандай келиб чиққанини, туб маъносини аниқлаш қийин. Тўғри бу шаҳар атрофида ғўртепаликлар кўп учрагани боис унинг номи туркий «қабр» сўзи билан боғлиқ деб айтиш мумкин.

– Лекин унинг қадимийроқ эканлигини назарда тутадиган бўлсак, у ҳолда Овесто китобидаги афсонавий Кави (Гави) – буқа номидан олинган деган мулоҳазага борилади, – дея суҳбатга қўшилди археолог олим Комилжон Алимов. – Барибир ҳозирги кунда бу ерда мавжуд Кавардон қишлоғи номи ўша эски Каварнанинг ўзгарган шакли бўлиши мумкин. Умуман, мазкур шаҳар X асрдан XII асрга қадар айниқса равнақ топди. Кавардон адирдаги ҳунармандчилик марказларидан бирига айланди. Чунки у ўша вақтда Шош шаҳрига борадиган савдо йўлининг устида жойлашган эди. Худди шу даврда у араб сайёҳлари харитасига туширилган. Кўҳна шаҳар қаъридан топилган икки билакузук бу ерда ҳунармандчилик санъат даражасига кўтарилгани, маданияти юксак бўлганидан дарак беради.

...Сўлим қишлоқ аҳолисининг кўпчилиги Тошкент вилояти Паркент туманида жойлашган Паркент қишлоғидан кўчиб келган Шоди сўфи деган одам авлодлари ҳисобланади. Ўз вақтида Шош (Тошкент) ҳукмдори Камарбандга келганида уни Шоди сўфи биринчилардан бўлиб кутиб олган. Хон ерли халқ билан учрашаркан, «Кимки бу ҳудудга доимий яшаш учун кўчиб келса беш йил мобайнида барча солиқ турларидан озод қилинади» деб ваъда беради. Хон ўз ваъдасининг устидан чиқади. Шош ҳукмдорининг бу ҳимматини эшитган атроф ҳудудда яшовчи бошқа аҳоли ҳам бу жойга кўчиб келишга қизиқиб қолади. Ҳатто Фарғона водийсидан ҳам одамлар кўчиб келишади. Кавардон борган сайин кенгайиб, обод бўлиб, гўзал шаҳарчага айланади.

Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани ҳудудида жойлашган Пском қишлоғидан Бозорбой ота авлодларидан бир қисми Кавардонга, бир қисми Хўжакент қишлоғига кўчиб келадилар. Бозорбой отанинг ўғиллари Дадабой, акалари Акбарали, Ирисмат, Саидаҳмад, Мирзаахмад, Рўзи бувалар шаҳарни обод қилишга катта ҳисса қўшадилар. Ҳозир эса Кавардонда Бозорбой отанинг олтинчи авлоди яшаб келмоқда. 1780 йилларда Фарғона водийсининг Бешариқ ҳудудидан Норхўжа эшон ўз бола-чақаси билан Камарбандда истиқомат қилиш учун кўчиб келади. Бугунги кунда ана шу Эшон бувининг авлодлари бу ерда туб қўйиб палак ёзган. Тахминан 1800 йиллари Шош шаҳрининг Сағбон ҳудудида жойлашган Қўштут маҳалласидан Алибой Бобо Камарбандга кўчиб келган. Ҳозир ҳам бу одамнинг кўплаб аждодлари Кавардонда истиқомат қилишади.

Кавардон тарихида бир воқеа муҳим из қолдирган. Тахминан 1451 йили Самарқанд, Хуросон, Шош ҳокими Абусаид Мирзо (Бобурнинг бобоси) шу вақтда Паркентда бўлган Ҳожа Аҳрор валийни зиёрат қилиш учун Шошдан келаётганда Қибрай, Чирчиқ орқали Кавардонга келиб бир кун меҳмон бўлиб, кейин Паркентга жўнаб кетади. Шундай улуғ зотларнинг қадами етган жой ҳамон файзли қадамжодек туюлади, кишига.

Кавардон тарихида уни машҳур қилган кишилар жуда кўп бўлишган. Кавардонлик Пўлатхўжа Сиддиқхўжаев истеъдодли шоир бўлиши билан бирга шўролар даврида «Правда» газетасининг Ўзбекистон Республикасидаги мухбири бўлган. Унинг ташаббуси билан 1930-1935 йилларда Кавардон ҳудудининг хушманзара бир жойида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг кичик бир боғи ташкил қилинган. Машҳур адибларимиз Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Собир Абдулла, Абдулла Қаҳҳорлар доимо бўш вақтларида бу ерда дам олиб, ижод қилишган. Адиблар учун бу боғда барча шарт-шароитлар муҳайё бўлган. Минг афсуски қатағон йилларида бу боғ ҳам йўқ қилиб юборилди.



Яна бир кавардонлик Омилбой Ёқубовнинг ҳаёти ва фаолияти диққатга сазовордир. 1935 йилда Омилбой ака машҳур адиб Ойбек билан дўст тутинади. Бу дўстлик ришталари Ойбек вафотига қадар давом этади. Маълумки, 1948 йили кечроқ бўлса ҳам буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллиги нишонланади. Юбилейга собиқ иттифоқнинг барча ҳудудларидан, Шарқ мамлакатларидан кўплаб меҳмонлар келишади. Юбилей тантаналаридан кейин меҳмонларга зиёфат бериш одат эди. Ўша даврда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси бўлган Мусо Тошмуҳаммедов – Ойбек тезлик билан Кавардонга етиб келиб, дўсти Омилбой Ёқубов (ўша даврда Омилбой ака Кавардондаги машҳур «Меҳнат – Бирлик» колхозининг кўзга кўринган раиси эди) билан меҳмонларни қаерда, қандай қилиб кутиб олишни маслаҳатлашади. Омилбой Ёқубов дўстига қараб: «– Сиз ҳижолат чекманг. Биз меҳмонларни кўнгилдагидек кутиб оламиз» дейди. Шундан қилиб 1948 йил 18 май куни Кавардонга ташриф буюрган меҳмонлар меҳмондорчиликдан ғоят хурсанд бўлиб қайтишади. 1951 йили Ойбек касал бўлганидан кейин ҳам ҳар йили ёз пайтларида, яъни 1968 йилгача ўз вақтини доимо Кавардон қишлоғида ўтказиб, «Қутлуғ қон» романининг давомини, «Болалик» асарини асосан Кавардонда ёзиб тугатган.

Ушбу мақола муаллифларидан бири (Т. Т.). Ойбек, Ғафур Ғулом каби улуғ алломаларни шу ерда – Қорасув дарёси бўйларида учратиб, ҳамсуҳбат бўлган.

Шу ўринда кавардонлик Ўрмон отанинг бир ҳикояси ғоят характерлидир.

– Ойбек домла 1955 йилнинг ёзида менинг уйимда истиқомат қилди, – дейди Ўрмон ота. – Саҳардан от миниб, тутзор, тўқай, далаларга ёлғиз чиқиб кетарди. Кимсасиз жойлардан ёввойи мева – маймунжон, зираворларни териб келардида, енгил-елпи тамадди қилиб ҳазиллаша кетарди:

– Ўрмон ака, мардикор керакми?

– Ҳа,-деб қолсам борми, кийимларини еча этик, чопон кийиб, барини белбоғига маҳкам қистирганича:

– Мана, мардикор келди. Нима қилсин, кетмон билан ер чопсинми? – деб қоларди.

– Ҳа, майли, – дердим мен.

У кенг кафтларини бир ҳовч тупроқ билан ишқаларида гурс-гурс ер чопа бошларди. Ҳазил-ҳузул билан иш шундай бошланардики, кейин ҳай-ҳай... асти қўяверасиз...

«Ҳа бўлди, қўйинг энди» деганга ҳам қарамай чунонам кетмон урардики, азбаройи қора терга тушиб кетарди.

...Ва ниҳоят шудгордан чиқиб бир чойнак яхнани симирардию, яна пайровга тортарди:

– Хўш хўжайин, энди мардикор ҳақкини тўланг.

– Чопган ерини чопилмаган ердан баттар заранг қилиб тепкилаб ташлайдиган мардикорга ҳақ йўқ.

– Ҳа-ҳа-ҳа-ҳо-о... У завқланиб куларди...

Меҳнат ва уруш фахрийси, қарийб олтмиш йиллик умрини ёш авлодни тарбиялашга бахш этган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Зуҳриддин ака Ёқубов ҳам шундай эслайди:

– Таниқли адибимиз Ойбекнинг ҳаёти ва ижоди Кавардон қишлоғи билан узвий боғланганди, – дейди домла. – Чунки 1935 йилдан 1968 йилгача Кавардон унинг учун худди ўзи туғилиб ўсган даргоҳдек азиз бўлиб қолган эди. Ҳар йили ёз пайтлари Кавказ, Қрим дам олиш масканларига бормай, фақат Кавардонга шошилиб келар эди. Қишлоқ аҳли ҳам унинг энг яқин қадрдонларига айланган, яқин суҳбатдоши бўлиб қолган эди. Ерлик халқ билан ака-укадек бўлишига асосий сабаб, бу биринчидан Ойбекнинг оддийлиги, халқ билан ҳамдардлиги, иккинчидан ерли халққа бўлган меҳр-муҳаббати эди. У халқ дардини юракдан ҳис этар, ҳаёт тарзи тўғрисидаги турли фикр-мулоҳазаларини қунт билан гапираётган одамнинг сўзини бўлмай эшитар ва ўзига тегишли хулоса чиқариб олар эди. У дўсти Омилбой акага шундай деганди:

– Мен ўзимни шу қишлоқнинг ҳақиқий аъзоси деб ҳисоблашга ҳаққим бор. Чунки ижодимнинг энг гуркираган вақтларида ўз асарларимни ёзиш учун бу ердан керакли маънавий озуқ, куч ва мадад олдим. Мен бундан жуда хурсандман.

Ҳа, вақт ўтаверади. Дарёлардан қанча-қанча сувлар оқиб ўтди ҳам. Каварна, Камарбанд номларига эга бўлган қишлоқ бугун Кавардон номини олган. Бу ерда туғилиб ўсган, айни пайтда республикамизнинг турли соҳаларида меҳнат қилаётган жуда кўплаб таниқли кишиларни учратиш мумкин. Улар орасида олимлар, шоирлар, ёзувчилар, академик-лар, машҳур муҳандислар, элга танилган юристлар, тиббиёт ходимлари, журналистлар, санъаткорлар бор.

Кавардон эса ҳамон ўша-ўша гўзал. Икки дарё – Қорасув ва Паркент канали оралиғига жойлашган қишлоққа келган ҳар бир меҳмон унинг табиатига, хушманзарасига, жамолига мафтун бўлмай иложи йўқ. Кавардонликлар ўз қишлоқлари тарихи, жаҳонгашта одамлари билан ғоят фахрланса-лар арзийди.

Тўхтамурод ТОШЕВ,
Илҳом ШЕРМУҲАММАД.

Суратда: Кавардон тепаликларида қазилма ишлари олиб борилаётган пайт. Топилган қадимий ёдгорликлар.

Бир шикоят изидан

ҒИРРОМ ЎЙИН

Тадбиркор Рустам Назаровнинг акциядорлик тижорат «Пахтабанк»и Деҳқонобод бўлими ходимларининг масъулиятсизлиги оқибатида икки йилдирки, кредит ололмай овора бўлаётгани хусусида

«– Мини кредит олиш мақсадида туман ҳокимлигига мурожаат қилган эдим, – деб ёзади Рустам Назаров муҳарририятга йўллаган мактубида. – 2000 йил 30 мартда ҳокимият қарорини қўлга олдим ва керакли ҳужжатларни тайёрлаб, банкка топширдим. Акциядорлик тижорат «Пахтабанк»ининг Деҳқонобод туман бўлими (собиқ бошқарувчиси Ж. Қаюмов) ходимлари сансалорлик қилишди. «Эрта кел, индин кел. У ҳужжат керак, буниси керак», дея мени алдаб, бошқаларга кредит беришди. Мен тайёрлаб берган бизнес режа ва бошқа ҳужжатларимни йўқотишди.

Кредит масаласида туман ва вилоят банклари бошлиқларига, Республика «Пахтабанк»ига бир неча марта мурожаат қилдим. Бироқ қуруқ жавоблардан нарига ўтишмади. Менга келганда «маблағ йўқ», «ресурс ажратилмаган» деган жавоблар беришди. Бироқ «Пахтабанк» туман бўлимидан 2000 йилда 44 кишига ва 50 та корхона, деҳқон хўжаликларига кредит берилди. Ана шу маблағларнинг 60-65 фоизи савдо-сотиқ учун ажратилган.

«Пахтабанк» туман бўлимининг собиқ бошқарувчиси Ж. Қаюмов давлат маблағини таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчилик қилиб ноқонуний сарфлаш йўллари билан талон-тарож қилди. Ишдан олинишини билиб, вилоят банкларидан бирига жойлашиб олди. Лекин туман бўлимининг 9 нафар ходими унинг айби билан ишдан олиниб кетди.

Шундан сўнг мен яна бошқатдан кредит олиш илинжида ҳужжат тайёрлаб туман бўлимининг янги бошқарувчиси Илҳом Раҳимовга 2001 йил 22 майда топширдим. 18 июлдаги туман тадбиркорлари йиғилишида сўз олиб, кредит ололмаётганимни айтдим. Сўнг туман ҳокими банк бошқарувчиси ва ўз ўринбосарига менинг ишимни бир ҳафта ичида ҳал қилиниши кераклигини уқтирди. Бир ҳафта тугул ҳозиргача ҳам ишим ҳал бўлмай келяпти.

Яна бир ҳолатни айтиб ўтай. Ўтган йили 25 июлда вилоят ҳокимлиги меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан туманимизга 13 ярим миллион сўм маблағ ажратилди. «Энди кредит оладиган бўлдим», дедим ўзимча. Дарҳол банк бўлими бошқарувчиси И. Раҳимовга мурожаат қилиб, ҳужжатларимни тезроқ вилоят «Пахтабанк»и орқали ўтказишларини сўрадим. Афсуски, умидим чиппакка чиқди. Туман банкидаги «ишбилармон» ходимлар кўрсатма бўлиб, бу гал ҳам сусткашликка йўл қўйишди. Банкнинг туман бўлими бошқарувчиси Илҳом Раҳимовга бир неча бор учрашганимдан сўнг, у «ҳужжатларингиз 3-4 марта Қаршидан қайтган» деган жавобни қилди.

Шундан сўнг тоқатим тоқ бўлиб, 14 август куни туман прокурори М. Каримов номига ариза ёздим. Кейин банкдагилар чўчишди шекилли 16 август куни шошапиша қарор чиқартириб, вилоят «Пахтабанк»ига ҳужжатларимни топширишибди. Бу пайтда (13 август) туманга ажратилган ўша 13 ярим миллион сўм маблағ бошқа банкка ўтказиб тақсимланибди. Банк ходимлари биз тадбиркорларга ёрдам бериш ўрнига йўлимизга тўғаноқ бўлишаяпти. «Пахтабанк» вилоят бошқармаси ходими Толмас Чориевнинг мени ишимга панжа орасидан қарагани бошқаларникидан ошиб тушди.

2001 йил 24 ва 29 август кунлари «Пахтабанк»нинг вилоят бошқармасига бориб унга учрашдим. Не кўй билан кўрайки, менинг вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига жўнатилиши керак бўлган ҳужжатларим ҳамон кредит бўлими бошлиғи Толмас Чориевнинг қўлида сақланаётган экан. Таажжубдан ёқамни ушлайман. Нега энди икки ҳафта менинг ҳужжатларим аввалдан банк ходимлари томонидан вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига ўтказилмасдан ушлаб турилди. Ваҳоланки, 22 майда топширган ҳужжатларим «Пахтабанк»нинг вилоят бошқармаси томонидан ўз вақтида вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига ёки «Бизнес фонд»га ўтказилганда эди мен аллақачон кредит олган бўлар эдим. Банк ходимларининг ғирром ўйинлари қачонгача давом этади? Уларнинг танобини ким тортади?».

Муҳтарам муштарий! Мана Рустам Назаровнинг шикоят аризаси билан танишдик. Унда келтирилган важлар қанчалик ҳақиқатга яқин ёки нотўғрилигини аниқлаш учун биз ҳам қайд этилганини кўрсатдик. Шунда ҳам у кўзларини олазарак қилиб елка қисишдан нарига ўтмади.

Акциядорлик тижорат «Пахтабанк»нинг Деҳқонобод бўлими ходимлари иш фаолиятини ўргандик. Бўлимнинг кредит олиш учун берилган аризаларни рўйхатга олиш дафтарида Рустам Назаровнинг аризаси 2000 йилда ҳам, 2001 йилда ҳам қайд этилган. Лекин унинг банк бўлимига топширган ариза ва ҳужжатлари нега сирли йўқолиб қолди? Мижознинг топширган ҳужжати банк томонидан йўқотилиши адолатданми?

– Нега Рустам Назаровнинг қуйиб-пишиб тайёрлаб топширган ҳужжати йўқолиб қоляпти? Қолаверса, мижозга нега бефарқ қараяпсизлар? Биз шу савол билан кредит бўлими бошлиғи Раъно Алиқуловага мурожаат қилдик. Очиғи Р. Алиқулова аввалига «Рустам Назаров ҳужжат топширган эмас» деб тан олишни истамади. Шундан сўнг биз бўлимнинг аризаларини рўйхатга олиш дафтарида Р. Назаров аризаси ҳақиқатан бўлими бошқарувчиси Илҳом Раҳимов имзоси билан бизга берилган маълумотномада 2000 йил кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш мақсадида ҳуқуқий ва жисмоний шахс мақомига эга бўлган 89 та тадбиркорга 97046 минг сўм, 2001 йилда эса 25 та тадбиркорга 42860 минг сўм қисқа ва ўрта муддатли кредит берилгани қайд этилган. Шунингдек, 2002 йил бошидан 10 мартгача 7 нафар тадбиркорга 13015 минг сўм, деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантириш ҳамда аҳолини 8 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун 1700 минг сўм кредитлар берилган. Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Нега шу пайтгача Рустам Назаровга кредит берилмаяпти? Ёки ҳужжатларида камчилик борми?

– Йўқ, – дейди бўлим бошқарувчиси Илҳом Раҳимов. – Бизда маблағ масаласи чатоқ. Тўғриси, уч ойдан бери ходимларимизга иш ҳақини беролмаяпмиз. Иқтисодий аҳволимиз оғир.

Хўш шундай экан, бошқа тадбиркорларга нега кредит ажратилаяпти? 2000 йилдан буён кредит олиш учун банкда навбат кутаётган Рустам Назаровга ўхшаганлар қолиб, 2001-2002 йилларда ҳужжат топширганлар кредит олиб кетаверадими? «Пахта банки»нинг Деҳқонобод бўлимининг масъулиятсизлиги оқибатида балки тартиб шундайдир. Бу масалада мухтасар сўзни мутахассислар айтишар...

Масаланинг яна бир жиҳати, бизнинг вазифамиз шикоят аризасидаги 9 нафар ходимнинг ишдан бўшатилгани тўғри ёки нотўғрилигини исботлаш керак эди. Рустам Назаровнинг бизга тақдим қилган бўлим томонидан 2001 йил 12 март куни берилган маълумотномада шундай сўзларни ўқидик:

«АТ «Пахтабанк» Деҳқонобод бўлимига ёзган мурожаат хатингиз ва тақдим этган ҳужжатларингиз бугунги кунда қаерда сақланаётганлиги номаълум.

Кредитлаштиришнинг қонун-қоидалари ва тартибини бузганликлари учун АТ «Пахтабанк» Деҳқонобод бўлимининг 9 ходими бугунги кунда ишдан бўшатилди».

Юқоридаги маълумотномадан кўриниб турибдики, Рустам Назаровнинг «бўлимда таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарчилик» билан кредит берилаяпти деган даъвоси тўғри. Шундай экан, нега ҳанузгача Илҳом Раҳимов бошлиқ бўлим ходимлари ўзларига тегишли хулоса чиқариб, ишда бурилиш ясашмаяпти? Бу аҳвол, қолаверса, мижозлар ҳақ-ҳуқуқини паймол этиш Деҳқонободда қачонгача давом этаркин?

Рустам Назаровнинг Қашқадарё вилоят ҳокимлиги меҳнат тайёрлаб бўлим бошқарувчиси Илҳом Раҳимовга топширади. Масъулиятсизликни қарангки, бу сафар ҳам Рустам Назаровнинг ҳужжати ғойибона йўқолиб қолади. Буни Рустам Назаров 25 июлда бошқарма томонидан пул ажратилгандан кейин сезиб қолади. Сўнг туман ҳокимлигига ва банкнинг вилоят бошқармаси бошлиғи И. Раҳмоновга мурожаат қилиб ҳужжатларини вилоят «Пахтабанк»и орқали ўтказишларини сўрайди. Бу сафар ҳам бўлим ходимлари Рустам Назаров ҳужжатларини ўтказиш ўрнига сусткашлик йўлини тутишади. Бўлим ходимларининг «дилини» тополмаган Рустам Назаров охири туман прокурори номига шикоят ариза билан чиқди. Сўнг нима бўлди денг.

Бўлим ходимлари, «танобимизни тортмасдан гуноҳни ўзимиздан соқит қилайлик» қабилида иш тутиб, 16 август куни қарор чиқартириб, «Пахтабанк» вилоят бошқармасига Рустам Назаров ҳужжатларини ошириишади. Бу пайтда (13 август) туманга ажратилган 13 миллион сўм маблағнинг 3 миллион 600 минг сўми «Пахтабанк»нинг Деҳқонобод бўлими орқали, қолгани эса бошқа банклар томонидан эгаларига тақсимланади. Рустам Назаров ҳужжатлари «Пахтабанк» вилоят бошқармаси ходими Толмас Чориев томонидан не мақсадда икки ҳафта ушлаб турилгани биз учун ҳам мавҳумлигича қолди. Сабаби, бошқарма бошлиғи вазифасини бажарувчи Маҳмуд Саидовга учрашганимизда кредит бўлими бошлиғи Толмас Чориев ҳозир ўқишда эканлигини, бу масалада ҳеч нарса билмаслигини маълум қилди.

Нима ҳам дердик. Шундан сўнг Рустам Назаровга учрашдик. Чеҳраси ҳорғин. Кайфияти йўқ. Уни саволга тутдик:

– Кредитни нима мақсадда олмоқчи эдингиз? – сўрадик ундан.

– Мен Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини тугатганман, – дейди Рустам Назаров. – Мутахассислигим зоотехник. Олти нафар ўғлим, 4 нафар қизим бор. Ўғилларим ишсиз. Мен шуни ҳисобга олиб, чорвачиликни йўлга қўймоқчи эдим. Банк ходимлари бўлса роса овора қилишаяпти. Ахир ўзингиз ўйланг, мен кредит олиб, соғин сигир сотиб олмоқчиман. Аста-секин сут, гўшт ишлаб чиқариб, туманимиз, вилоятимиз маркази аҳолисига ундан ортса Тошкент шаҳри аҳолисига сотсам нимаси ёмон. Қолаверса, ўғилларим ҳам иш билан таъминланади. Очиғи, ҳеч банкирларнинг тилини тополмаяпман. Яқинда бир ўғлим менга «ота банкирларга «шапка»сини бермасангиз, кредит ололмай сарсон бўлиб юраверасиз» деб қолди. Танбеҳ бердим унга. Мана икки йилдирки, ооораман. Асабларим чарчади. Ҳали Тошкентга, ҳали Қаршига қатнайвериб, товоним йиртилди. Менга банкирларнинг хурмача қиликлари туфайли етказилган моддий ва маънавий зарарни ким тўлайди?

Ҳа, якка тартибдаги тадбиркор Рустам Назаров қачон кредит олади? Қолаверса, у банк томонидан қўйилаётган барча талабларни бажаришга тайёр-ку? Бунинг устига кредит олиш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар унинг қўлида ва банкда бисёр бўлса! Ҳақли савол туғилади. Нега «Пахтабанк»нинг Деҳқонобод бўлимидагилар Рустам Назаровни бунчалик сарсон-саргардон қилишаяпти? Сабаби нимада? Ёки «шапка»сини бермаётгани учунми?

Комил САХАТОВ,
«Адолат» мухбири.

Ҳуқуқингизни биласизми?

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ ҲИМОЯДА

Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари, шунингдек инсофсиз ишлаб чиқарувчиларнинг ўзбошимчаликларидан бирон марта бўлса-да, азият чекмаган одам топилмаса керак. Истеъмолчиларнинг ҳаммаси ҳам уларнинг ҳақига хиёнат қилиш, тарозидан уриб қолиш, нуқсонли товарни сотиш, сифатсиз хизмат кўрсатишига қаршилик кўрсата оладиларми? Бу ҳақда «Туркистон-пресс» мухбири Тошкент шаҳар монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Баҳодир Умаров билан суҳбатлашди.

– Ҳақиқатан ҳам истеъмолчиларнинг аксарияти ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила олмайди. Бу истеъмолчи ҳуқуқсиз ва ҳимоясиз дегани эмас, албатта. Ҳозирда мамлакатимизда истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни кафолатлайдиган салмоқли ҳуқуқий база яратилди. Истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган бир қанча қонунлар бор. Бундай қонунлар ўз навбатида харидорларни ишлаб чиқарувчилар, маҳсулотни сотувчилар, ижрочи ва хизмат кўрсатувчилар билан ўзаро муносабатларини кенг қамраб олади. Афсуски фақат оз сонли истеъмолчиларгина ўз ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилишни биладилар. Улар ҳам билсаларда, кўпчилик вақтларда юз бераётган ҳуқуқ бузиш ҳолатларига бефарқ қарайдилар. Савдо ходимлари бундан фойдаланиб истеъмолчи ҳақига хиёнат қилишни давом эттиравераді. Вазиятни истеъмолчининг фойдасига ҳал этишга фақатгина аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш орқали эришиш мумкин.

– Бундай ҳолатларни олдини олиш учун истеъмолчилар нималарни билишлари керак?

– Истеъмолчи аввалам-бор ўз ҳуқуқлари қонунлар, шунингдек товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш қоидаларидан ташкил топган қонунчиликлар билан ҳимояланганлигини билиши керак. Бу товарларни сотиб олишда, хизматларга буюртма беришда ёки ишларни бажарилишида истеъмолчига ишонч ва дадиллик беради. Харидор маҳсулот сотиб олаётганда товар тўғрисида, унинг хусусиятлари ва сифати, фойдаланиш, ишлатиш шартлари, кафолатлари, яроқлилик муддатига эътибор бериши лозим. Шунингдек, маҳсулотни ишлаб чиқарувчи, уни нархи, хавфсизлигини тасдиқловчи мувофиқлик сертификатини мавжудлиги, умуман товар ва уни сотувчи ёки корхона тўғрисидаги барча маълумотларни сотувчидан талаб қилишга ҳақли.

Узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни сотиб олишда санаси, товарнинг қиймати ва айнан шу корхонадан сотиб олинганлигини тасдиқловчи касса чеки, тилхат, квитанция ёки бошқа ҳужжатлар берилишини талаб қилиш шарт. Агар харид қилинаётган товарларнинг техник паспортлари мавжуд бўлса, у ҳолда товарни сотилган санаси кўрсатилган ҳолда белги қўйиб қўйишни талаб қилиш керак. Сотувчининг имзоси, корхонанинг муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт.

Сотиладиган товарларда улардан фойдаланиш бўйича йўриқнома, ундан фойдаланиш қоидалари, ёхуд товар тўғрисидаги бошқа маълумотлар илова қилиниши керак. Кўрсатиб ўтилган маълумотлар тақдим қилинмаса, товар тўғрисидаги ҳужжатлар йўқ бўлса, ёки сотувчи товар сотиб олинганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим этишдан бош тортса, уни сотиб олмаган маъқул.

– Ҳуқуқлари бузилган истеъмолчилар нима қилиши керак?

– Бундай ҳолларда истеъмолчи зудлик билан корхонанинг мансабдор шахсига оғзаки раддия билан мурожаат этиши керак. Кўпчилик вақтларда шундай мурожаатларнинг ўзи, истеъмолчининг ҳуқуқини тиклаш учун кифоя бўлади. Агар истеъмолчи томонидан сифатсиз маҳсулот сотиб олинган бўлса, истеъмолчи сотиб олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим қилган ҳолда қайтариб беришга ёки алмаштиришга ҳақлидир.

Истеъмолчи томонидан оғзаки мурожаат сотувчи томонидан рад этилса, ушбу ҳол бўйича даъво хати ёзилиши керак. Истеъмолчи тегишли идораларга мурожаат қилиш ҳуқуқини, шунингдек судга мурожаат этиш ҳуқуқини ҳамда ўзининг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан ташқари етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Истеъмолчи ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун давлат идораларига яъни истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиш устидан назоратни амалга оширадиган Республика Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармаларига, шунингдек, истеъмолчиларни ҳимоя қилиш бўйича махсус ваколатли органларга, маҳаллий ҳокимият идораларига ёки бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Ўз ҳуқуқларини ҳимоялаш учун, истеъмолчи Ўзбекистон истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик федерацияси, вилоятлардаги ва Тошкент шаҳридаги истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари орқали ҳам ҳаракат қилишлари мумкин.

Ёз — ўтмоқда соз.

Янги ғазаллар

ЁРУҒ ЧЎЛПОН ЎЗИНГДУРСАН

Пўлат МЎМИН,
Ўзбекистон Халқ шоири

Нафосат кўкида мангу ёруғ чўлпон ўзингдурсан,
Замона зайлидан ёнган дили вайрон ўзингдурсан.

Азалданми ақллилик балоси бошга етгай гоҳ,
Сени ҳам дўстларинг сотди, ҳамон ҳайрон ўзингдурсан.

Қалам бирлан алам чекдинг, бирон роҳат тополмасдан,
«Кеча-кундуз» бўлиб юрган жиғи-бийрон ўзингдурсан.

Шу миллат деб увол кетдинг, сени асролмади халқинг,
Замонга сиғмадинг асло, унга қурбон ўзингдурсан.

Само юлдузлари тунлар Мўмин қалбинг ёритгайлар,
Нафосат кўкида мангу ёруғ Чўлпон Ўзингдурсан,

ИБОЛАРИ ШАРҚОНАДИР

Икки юрак ишқ ўтинда тўлғонадир,
Узгалардан бирин бири қизғонадир.

Кўзлар кўзга тушган маҳал безовта дил,
Имолари, иболари шарқонадир.

Ўзларини қўйишга жой тополмаслар,
Ёр васлига базми чаман баҳонадир.

Боққан билан тўймайдилар, ўйлайдилар,
Ширин суҳбат оснолари шоҳонадир.

Висол топиб орзуларга эришганда,
Қўша қушдай ёрига ёр парвонадир.

Меҳрлари тобланганин кўрганда кўз,
Мўминнинг ҳам кўнглида ишқ уйғонадир.

МУШТОҚ ЭТАДУР

Ёр нега бунчалар фироқ этадур,
Борган сайин ўзин йироқ этадур.

Қалблар интилса ҳам бири-бирига,
Васли-висолига чанқоқ этадур.

Андиша йўл бермас бир сўз айтишга
Ё мени имтиҳон – синов этадур.

Кундан-кун соғинчлар ошадур ҳаддан,
Менимас ўзгани ё чоғ этадур.

Кибру ҳаво ила шу кетишинда
Сабр- у тоқаларим ул тоқ этадур.

Қачонгача айтинг, бўлиб бепарво,
Дилларни дилларга муштоқ этадур?

ДИЛРАБОЛАР КЎП ЭКАН

Маҳлиқолар даврасида,
Дилраболар кўп экан.
Дилраболар жилвасига,
Маҳлиёлар кўп экан.

Ортаман деб бир-биридан
Кўзни узоқмоқлик маҳол,
Маҳлиёлар қўнгли узра,
Муддолар кўп экан.

Қимга шодлиқ юз очаркан,
Қимга тоъле ёр бўлур?
Мулки дилни забт этувчи
Истилолар кўп экан.

Севги илми анча мушкул,
Йўқ унинг бир мактаби,
Шунча мулкул бўлса ҳамки,
Ихтиролар кўп экан.

Барча кўнгил тенг келолмас,
Сирлидир ишқ олами,
Ери васлинда ёнувчи
Муфталолар кўп экан.

Кел, Мўмин, минг бор қувонгил
Сен уларга бер баҳо,
Дилраболар даврасида
Бебаҳолар кўп экан.

ОЛ ДЕДИЛАР

(ҳазил ғазал)

Шу жононни ол, дедилар,
Лабинда бор ҳол, дедилар.

Қадди-басти сарви қомат,
Икки юзи ол, дедилар.

Жамоли -ю, камолини –
Кўрган ошиқ лол, дедилар.

Эҳтиёт бўл учрашганда,
Узни кўлга ол, дедилар.

Қарашлар жонга роҳат,
Сўзларини бол, дедилар.

Таъзим айлаб ёнига бор,
Яхшилаб сўр ҳол, дедилар.

Кўнглини топ, рози бўлса,
Ери бўлиб қол, дедилар.

Орзуларин айла бажо,
Бел бўлмасин дол, дедилар.

Бориб-бориб бўлажаксан,
Мўмингина чол, дедилар.

Амалий тадбирлар натижасида

ЖИНОЯТЛАР КАМАЙДИ

Каттақўрғон шаҳар прокуратураси ходимларининг жиноятчиликни олдини олиш борасида амалга ошираётган тадбирлари самарали натижалар бера бошлади. Ҳудудда жорий йилнинг ўтган ярим йили мобайнида умумий жиноятлар сони кескин камайганлиги қайд этилди.

– Содир этилган жиноятлар бўйича айбдорларни топиб, жазолашдан кўра, уларнинг олдини олиш мақсадга мувофиқдир, – деди шаҳар прокурори, адлия маслаҳатчиси Шаҳобиддин Обидов. – Зеро давлатимизнинг ҳозирги кунда ҳуқуқ-тартибот тизими соҳасида олиб бораётган сиёсати ҳам айнан шу мақсадга қаратилган.

Шаҳобиддин Обидовнинг таъкидлашича, шаҳарда жазони ижро этиш муассасаларидан қайтиб келган шахсларни ижтимоий-маиший жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида махсус комиссия тузилган. Унинг ихтиёрига 1 миллион сўм маблағ ажратилган. Пулнинг мақсадли сарфланиши эса қатъий назорат қилиняпти. Шу давр оралиғида 32 нафар ишламай юрган ҳамда 22 нафар муқаддам судланганлар ишга жойлаштирилди. Бундан ташқари, 8 нафар ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка ружу қўйганлар мажбурий даволанишга юборилди.

Прокуратура ходимлари томонидан вояга етмаганларга оид қонунларнинг ижросига алоҳида эътибор бериб келинмоқда, дея таъкидлади шаҳар прокурори. Шунинг учун ҳам улар томонидан содир этилаётган жиноятлар эллик фоизга камайди. Ўтган йилнинг дастлабки беш ойида улар томонидан 6 та жиноят содир этилган эди. Бу йил эса учта жиноят қайд этилди. Бундай кўрсаткичга муқаддам судланган вояга етмаганларни фойдали меҳнатга жалб этиш натижасида эришилди. Лекин прокуратура ходимлари фақат вояга етмаганлар билан шуғулланиб қолмаяпти. Уларнинг оилавий шароити, жиноят йўлига кириши сабаблари, ўрганиляпти. Шундай тадбирлар натижасида ўтган вақт мобайнида 26 нафар ота-онага нисбатан фарзандларига таълим бериш борасидаги мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги учун маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш қўзғатилди. Вояга етмаганлар кўпинча ўзлари билмаган ҳолда жиноят йўлига кирадилар. Бундай хатоликларга йўл қўймасликлари учун улар етарли даражада ҳуқуқий билимга эга бўлишлари керак. Шунинг учун ҳам прокуратура ходимлари умумтаълим мактаблари ҳамда касб-ҳунар муассасаларида мунтазам учрашувлар ўтказиб келмоқдалар. Яқинда эса ҳуқуқий мавзуда республика семинари ҳам ўтказилди.

– Гиёҳвандлик иллатларига қарши курашиш борасида Наркотик моддаларни назорат қилиш давлат комиссияси билан ҳамкорликда амалий тадбирларнинг мақсадли дастурини ишлаб чиққанмиз. Фаолиятимизни мазкур дастурда белгиланган аниқ йўналишлар асосида олиб бораямиз, деди сўзининг якунида Ш. Обидов.

Самарқанд вилояти, «Туркистон-пресс»

КЎНГИЛЛИЛАР ИШ БОШЛАШДИ

Андижонда ўсмирлар ўртасида ОИТС ва гиёҳвандликка қарши кураш бўйича янги ёшлар марказининг тақдимоти бўлиб ўтди.

«Камолот» ёшлар ҳаракати вилоят кенгашида очилган янги марказда ҳаракатнинг 23 нафар фаоллари кўнгиллилар сифатида «ОИТС ва гиёҳвандликка қарши кураш бўйича ёшлар лойиҳаси» семинар-тренингида ўтказилган ўқув курсларида тайёргарлик кўришди.

– Ушбу лойиҳа Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати мутахассислари ҳамда ЮНИСЕФ ва ЮНЕЙДС ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилди, – деди ҳаракат Раиси Нозимжон Ашуров «Туркистон-пресс» мухбирига. – Ҳаракат фаоллари тўрт кун давомида бўлиб ўтган машғулотларда иштирок этишди ва ёшлар орасида ОИТС ҳамда гиёҳвандликнинг олдини олиш борасида билимларини бойитишди.

Лойиҳанинг асосий мақсади ва вазифаси 13 ёшдан 20 ёшгача бўлганларни ОИТС ва гиёҳвандликнинг нақадар хавфли эканлигидан огоҳлантириш, уларнинг бу борадаги тушунчаларини ошириш ва касалликдан сақланишида ҳимоя усулларини ўргатишдан иборатдир.

– Хў, амаки, биз беттамиз,
Керак сизга нечтамиз?
Эсни йиғинг, бизга қаранг,
Илинамиз қилмай таранг.

– Менга сизмас, пари керак,
Қилмангизлар жоним ҳалак.
Газак берар, тутиб олсам,
Қани тезроқ ушлай қолсам...

Абдурасул ҲАКИМОВ чизган расм.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йил 30 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгилади. Шунга кўра:

1 АҚШ доллари
761 сўм 25 тийин.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Адолат» газетаси ижодий жамоаси Бош муҳаррир ўринбосари Рустам Аҳмадалиевга қайнонаси **Ҳурсанд опа САЙДОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади, оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Рашк

ТЕЛБА ТУЙҒУ

Баҳринисо ёстиқдоши Боймирзо билан чимилдиқда кечган ширин онларини эслади...

Бир-бирининг ортидан қувиб ойлар ўтди. Боймирзо хотини Баҳринисони ҳануз кўтармаётганидан кўнгли ҳижил эди. Кунларнинг бирида у хотинига ёрилди. Дастлаб Баҳринисо эрининг гапларига унчалик парво қилмади.

– Вой, Боймирзо ака-е. Намунча шошмасангиз. Ҳали ёшмиз-у, ҳаммасига улгурамиз.

– Нима, бошқа биров ниятинг йўқмиди ишқилиб, – Боймирзо хотинини чақиб олди.

– Тушунмадим. Нималар деяпсиз? Иккимиз умид билан бир ёстиққа бош қўйсак-у, яна нима ниятим бўлиши мумкин?

– Аёл зотига ишониш қийин. Тили бошқа-ю, дили бошқа...

– Нега ҳақоратлайсиз? Агар бирор қинғир қадамимни сезган бўлсангиз, айта қолинг. Балки ўзим англамаган хатоларим бордир, – деди дили ғашланиб.

– Боймирзо нимадир демоқчи бўлди-ю, тилини тишлади. Сўнг Баҳринисога кўзини бир чақчайтириб ўдағайлади:

– Бундан кейин кийикдай ликиллаб анҳорга бормайсан!

– Тушунтириб гапирсангиз-чи, бунчалик тундлик қилмай. Юрагимни эзвордингиз-ку!

– Сенинг юрагинг борми эзиладиган. Камроқ қийшангла! Юзингни мендан бошқа эркак кўрмасин. Тушундингми?

– Сувга тушсам, шу рўзғорим деб тушяпман. Иннайкейин, бу келинлик вазифамга кирмайдими?

– Керак бўлса, деворни тўрт газ қилиб кўтараман. Лекин сенинг кўчага чиқишингга қаршиман. Гап шу!..

– Ўзингизни мунчалар қойитманг. Биз бир-биримизга керакмиз. Тўрт газ деворингизсиз ҳам кўчага чиқмаганим бўлсин.

– Мен йигитман! Челак кўтариб йигитларнинг олдидан билтанглаб ўтишингга чидолмайман. Ғурурим йўл қўймайди, бунга.

Улар гина-андуҳлар билан тунни тонгга улашди. Иккиларни ҳам чимилдиқдан совуққина кўзғалишди. Бўлиб ўтган бу гап-сўзлар Баҳринисони ич-этини кун-кунора темир зангидек емира бошлади.

Киштутликлар ўша йили ҳаёт тақозоси билан Шеробод туманининг «Истиқбол» жамоа хўжалигига кўчиб ўтишди. Боймирзонинг тўрт газ келадиган девори ҳам азим тоғлар ортида қолиб кетди. Ҳар қалай янги маҳалла, янги уй-жой, янги кўшнилар, атрофи алангзор. Бу ялангликлар Баҳринисони анчагина таҳликага соларди. Юрагини ҳовучлаб яшарди. Эри отжувоздек минғир-минғирлаб, рашк ўтида бағрини баттар эзарди... Бу тўфонлар ортида нене фалокатлар Баҳринисонинг бошига кўланка ташлаб турарди.

Одам боласи пулдор, бой-бадавлат бўлиши мумкин. Ўқиб мансабдор бўлиши, қоларверса олим бўлиши муқаррар. Лекин унда чин инсонийлик қиёфаси бўлмаса-чи?! Бу дахшат!..

Эрининг кунора ўзгариб, турлича қилиқлар чиқазиши Баҳринисони жиддий хавотирга солди. У гумонасини эрига айтиб уни хурсанд қилмоқчи бўлди. Аммо...

– Боймирзо ака, агар сизни хурсанд қилгудек бўлсам, эвазига мени нима билан сийлайсиз?

– Пичоқ билан. Билдингми, пичоқ билан! – деди Боймирзо.

Баҳринисонинг ранги бўздай оқариб, юраги қинидан чиқиб кетгудек бўлди. Дами ичига тушиб миқ этмай, ўйларди. «Наҳотки биз ёшлар бир-биримизни сева туриб, ардоқлашни билмасак. Баъзиларнинг саодатли турмушини кўриб, ибрат олмасак. Эй, тангрим, наҳот пешонамга бахт деб аталмиш муқаддас неъматни битмаган бўлсанг? Умидларим шумиди?! Афсуски ҳомила Баҳринисога бахт келтирмади.

Ҳар гапнинг орасида «Сенинг ўйнашинг бор. Қорнингдагини ортириб олгансан», – деб таҳқирларди эри.

– Танангдан бошингни жудо қилмасам, тинчимайман-да, – деб қолди снаряд тушган тупроқдек сачраб бир куни.

– Шунча ниятларингиз бор экан эртароқ эриша кўя қолсангиз бўларди. Нима қиламиз бунчалик қийналиб. Бола масаласига келсак, йигитлигингиздан тонсангиз, нима дейман. Бу сизнинг эурриёдингиз.

– Бунча ўзингни фаришдадек кўрсатмасанг? Шу гапларга мени лаққа ишонади, деб ўйласанг, керак-да...

Бу даҳанаки жанглардан ҳайиққан Баҳринисо отасининг уйига кетиб қолди. Кўрдики, сўнгги умидлари ҳам пучга чиқди. Чораси битта... Нима бўлгандаям бировга зарар етказмаслик, ажралиб кетиш...

Орадан ойлар ўтди. Кунларнинг бирида Боймирзо хотинининг ҳузурига отланиб қолди.

– Баҳринисо, мени кечир. Биласану, қизиққонман. Ҳаммасини бошидан бошлайлик, – деди ялиниб.

Баҳринисо узоқ ўйлади. «Бир ҳисобдаку яраштани яхши-я. Аммо эски, қилиғини бошлаб яна телпагидан ҳам қизғаниб жанжал чиқараверса-чи?..

Баҳринисо ҳадеганда рози бўлавермагач Боймирзо гапининг тўнини ўзгартирди.

– Ҳимм! Гапир? Нега мум чайнаб қолдинг?.. Ёки ўша ўйнашинг билан шакаргуфторлик қилмоқчимисан?!

Баҳринисо ялт этиб эрига қаради.

– Мен сизни инсофга келганмикин, деб юрардим. Афсус, хом ўйлаган эканман. Аввал ярашадиган бўлсам ҳам, энди ярашмайман. Шунча таҳқирларингизга чидаб келдим. Ахир мен ҳам одамман-ку... Рашк қиласиз. Кимдан? Нимага рашк қиласиз? Рашк қиладиган иш қилмаган бўлсам. Чор деворингиздан бошқа жойга чиқмаган бўлсам. Яна нима айбим бор мени?

Улар шу куни совуққина хайрлашишди.

2001 йил мартининг ўн биринчи куни. Баҳринисо ўтин териб келиш учун далага чиқди. Шудгор остида қолиб кетган ғўзапояларни териб бир жойга уя бошлади.

Икки букилиб ўтин териш Баҳринисога осон кўчмади. Бир пас ҳордиқ чиқаргали тупроқ устига чўкди. Ўтирди-ю, кўзи ҳаллослаб келаётган олисдаги шарпага тушди. Аввалига унчалик эътибор қилмади. «Ўтинчидир-да», деб қўйди ўзича. Шарпа тобора унга яқинлашар эди. Лапанглаб қадам ташлашидан эрига ўхшатди уни. Баҳринисони муздек тер босиб кетди. «У билан гапимиз қолмаган эди-ку. Яна нима иши бор экан!» Боймирзонинг қўлидаги пичоғи юрганида ярақлаб кетарди. Келиннинг кўзи пичоққа тушдию, вужуди бўшашиб кетди.

«Куним битди. Ғўзапояга чиқмай қолсам бўлмасмиди», дедию, бир даста ғўзапояни қўлтиқлаб орқасига қарамасдан уйига югурди.

Боймирзо унинг орқасидан югурди. Баҳринисо қўлтиғидаги ғўзапоясини ташлаб қочди. Боймирзо қадамини тезлатди. Етай-етай деганда Баҳринисонинг тиззалари титраб, шудгорга юзтубан йиқилди. Ерда ётган хотинини кўриб роҳатланиб кулди, қонсираган эр.

– Ҳа-а! Аёлнинг югургани шунақа бўлади, – дея ўзини хотинининг устига ташлади. Ғазабдан қалтқалт титраб овози борича сўкинар, мушти билан муштипарнинг тўғри келган жойларига урар, Баҳринисо эса эридан шафқат истаб ёлворарди. У энди пичоқ билан Баҳринисони нимталашга онт ичди.

– Мени ўлдирманг, қорнимдаги болангизни ўйланг. Уволимизга қолманг. Худодан қўрқинг! – дея зорланарди.

Қутирган шер мисол қотил баттар ўлжасига ташланарди...

* * *

Суд экспертизаси Баҳринисонинг фожиасини қуйидагича изоҳлайди: «Беморнинг бошида кучли жароҳат бўлиб пардалар йиртилган. Мия эзилган. Бўйин, кекирдак, қизилўнгач, қон томирлари тўлиқ кесилган. Сонтос бўғини, чап қўл кафти, икки бармоқ оралиғига пичоқ санчилган. Беморнинг ҳомиласи борлиги қайд этилади».

Шундай қилиб қотил эр икки кишининг умрига зомин бўлди.

* * *

Сурхондарё вилояти жиноий ишлар бўйича суди 25 ёшли қотил Боймирзо Наҳанговни қилмишига яраша жазога тортди.

Тўғри, рашк ҳам иймондандир. Аммо ҳар нарсанинг меъёри бор. Меъёрдан чиққан туйғу эса телбаликнинг ўзгинаси. Оқибат разолатга, жаҳолатга бошлайди, инсонни, бемаъни ҳис-туйғулар васвасасида Баҳринисо ва унинг очилмай сўнгги чечаги ана шу жаҳолатнинг қурбони бўлмадими? Нега инсон ўзига берилган қисқагина умрни роҳат фароғатда ўтказиши мумкин эмас? Нега одамнинг кўзи кеч очилади Боймирзо?!

Жаббор МАҲМАДАМИНОВ,
Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси.
Турсун МАҲМАДАЛИЕВ,
«Адолат» мухбири.

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

Бош муҳаррир: Тўхтамурод ТОШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Т. О. ДАМИНОВ, А. F. ҒУЛОММАҲМУДОВ, А. ЖЎРАБОЕВ, Р. З. АҲМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Р. Р. ХАЙДАРОВ, М. МЎЙДИНОВ, К.РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Р. М. АЗИМОВ, Т. И. ЭРГАШЕВ, А. МАМАЖОНОВ, Ў.Ф. ЖЎРАЕВ, Н. НУРМАТОВ, М. КАЛОНХОНОВ, Д. F. ТОШМУҲАМЕДОВА, З. Т. ТЎРАҚУЛОВ (ўз мухбир).

Мулоқот учун телефонлар:
Қабулхона — 133-41-89.
Ҳатлар ва шикоятлар бўлими — 136-55-64.
Котибият — 136-55-96.
Факс: (8.371) 133-41-89.

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасидан 140 рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма Г— 700, Ҳажми—2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт - матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи— Илҳом СИДДИҚОВ | Саҳифаловчи — Бахтиёр ҚЎШОҚОВ

Газета IBM компьютерида терилди.

Босишга топшириш вақти—20.00.

● Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. ● Реклама ва эълонлар ҳаққонийлиги учун буюртма берувчи масъулдир. ● «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади. t Мазкур белги остида тижорат мақолалари чоп этилади. ● Газетанинг сифатли босилишига босмахона масъул. ● Қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва жавоб берилмайди.